16 (53,4%) нафар беморда ультратовуш текширувида қалқонсимон без патологияси аниқланди. Шулардан 7 (23,4%) нафар беморда қалқонсимон без гипоплазияси; 9 (30%) нафариди - қалқонсимон безнинг гиперплазияси; 4 (13,4%) нафар беморда - қалқонсимон беги тузилишининг донаторлиги (мозаикаси) кўринишидаги аутоиммун тиреоидитга хос бўлган нормал, кўпайган ва пасайган экзогенлик соҳаларини ўз ичига олади диффуз патологиянинг белгилари аниқланди.

Қалқонсимон без дисфункциясининг аниқ клиник белгилари бўлмасда, ягона ҳолат бундан мустасно, илк марта ташҳис қўйилган ўпка силининг емирилиш босқичи мавжуд бўлган беморларнинг қон зардобиди тироксин даражасининг сезиларли даражада пасайиши аниқланди (1-жадвал). 3 (10%) нафар беморда Т4 қиймати соғлом шахслар учун мақбул бўлган эркин тироксин қийматининг паст даражасигача тушди ва яна 3 (10%) нафар беморда Т4 даражаси мақбул қийматнинг паст даражасигача тушиши кузатилди.

Беморларда силга қарши кимёвий терапия бошлангандан тахминан 3 ой ўтгач, эркин тироксин даражаси қайта аниқланганда, ушбу кўрсаткич 17,8% га сезиларли даражада пасайганлиги аниқланди.

Ўпка силининг емирилиш босқичи билан кечувчи шакллари илк марта ташҳис қўйилган беморларда даволаниш жараёнининг бошланишидан олдин гипофиз безининг тиреотроп гормони даражасининг ўртача қиймати ҳозирги вақтда қабул қилинган стандарт кўрсаткичларга мос эди. Беморларда силга қарши кимёвий терапия бошлангандан тахминан 3 ой ўтгач эса гипофиз безининг тиреотроп гормони кўрсаткичи 39,4% га ошди ва соғлом одамлар учун мақбул бўлган қийматларда қолди (1-жадвал). Силга қарши кимёвий терапия фониди гипофиз безининг тиреотроп гормони даражасининг ошиши табиий равишда ўпка сили билан касалланган беморларда тироксин даражасининг пасайишига олиб келди.

1 жадвал.

Даволашдан олдин ва даволашнинг 3 ойидан кейин қалқонсимон без кўрсаткичлари.

Кўрсаткичлар	Референт қиймат	Якуний қиймат (n=30)	Даволашнинг 3 ойидан кейин (n=30)	Ўзгаришлар (%)
Т4 (пмол/л)	10,0-23,2	12,72±0,98	10,42±0,85 P< 0,05	17,8
ТТГ (мкМЕ/мл)	0,23-5,7	1,39±0,08	1,81±0,04 P< 0,05	39,4
ТГ антитаналари (Ед/мл)	Эркак. 100гача Аёл.<50 ёш 100гача Аёл.>50 ёш 150гача	2,65±1,2	7,59±0,15 P< 0,001	197,3
ТПО антитаналари (Ед/мл)	Эркак. 30 гача Аёл.<50 ёш 30гача Аёл.>50 ёш 50гача	1,78±0,8	4,25±0,96 P< 0,001	139,5

Силга қарши кимёвий терапия бошланишидан олдин ўпка сили билан касалланган беморларда тиреоглобулинга қарши антитаналар даражаси соғлом одамлар учун мақбул даражага тўғри келди ва даволанишнинг дастлабки босқичи охирида 197,3% га сезиларли даражада ошди.

Худди шундай ўзгаришлар тиреопероксидазага қарши антитаналар қийматининг ўзгаришини таҳлил қилишда ҳам кузатилди, яъни силга қарши кимёвий терапия бошланишидан олдин ўпка сили билан касалланган беморларда бу кўрсаткич соғлом одамлар учун қабул қилинган қийматлар даражасида кузатилган бўлса, силга қарши кимёвий терапиянинг дастлабки босқичида 139,5% га сезиларли даражада ошди.

Кимёвий терапия ўтказилганда ҳам тиреоглобулин, ҳам тиреопероксидазага қарши антитаналар миқдорининг кўпайиши силга қарши дориларнинг қалқонсимон безга токсик

таъсири натижасида патологик аутоиммун реакцияларни босқичма-босқич ривожланишига замин яратади. Ўпка сили билан касалланган беморларнинг қалқонсимон безнинг якуний патологик эхотузилмаси ўрганилганда аутоиммун тиреоидит ривожланиш хавфи ортганлиги аниқланади [10].

Олинган натижалар шуни кўрсатдики, ўпка силининг емирилиш босқичи билан кечувчи шакллари илк марта ташҳис қўйилган беморларнинг ярмидан кўпида қалқонсимон без тузилишининг патологиясини, шунингдек, ушбу беморларнинг қон зардобидида тироксин даражасининг ўртача паст кўрсаткичларини аниқланиши, бу эса қалқонсимон безнинг функционал ҳолатини пасайиши шаклида намоён бўлувчи сил касаллиги бўлган одамларнинг ноқулай преморбид фонидан далолат беради. Сил билан касалланган беморларда субклиник гипотиреознинг ривожланиши кейинчалик ўлим ҳолатига олиб келиш эҳтимолини яратади [11,13].

Қалқонсимон без ҳужайралардаги иммунитетнинг цитокинлар томонидан бошқарилишида фаол ижобий ўрин эгаллаши, сил касаллиги эса цитокинли иммунитет танқислигига тегишли эканлиги маълум бўлганлиги сабабли, тироксин танқислигининг ривожланиши сил касаллигининг кечиши ва уни даволаш самарадорлиги учун салбий таъсир кўрсатади.

Қалқонсимон безнинг функционал ҳолати силга қарши кимёвий терапия бошланганидан 3 ой ўтгач қайта текширилганда қалқонсимон безнинг тиреоид фаолияти сезиларли даражада пасайганлигини кўрсатди. Бу эса силга қарши дориларнинг сил билан касалланган беморларда қалқонсимон безнинг гормонал фаолиятига сусайтирувчи таъсир кўрсатганини англатади.

Олинган натижалар шундан далолат берадики, силга қарши кимёвий терапия фонидида ривожланиб борадиган, даволаш пайтида ўпка силининг кечиши ва касаллик оқибатининг яхшиланишига ёрдам бермайдиган субклиник гипотиреоз белгиларини шаклланганлигини кўрсатади. Сил билан касалланган беморларда қалқонсимон безнинг фаолиятини ўз вақтида қўллаб қувватлаш учун антимиқобактериал дорилар билан даволаш пайтида унинг фаолиятини назорат қилиб туриш керак. Шундай қилиб, силга қарши кимёвий терапия, агар шунга эҳтиёж бўлса, қалқонсимон без гормонларининг синтетик аналоглари кўринишидаги дори воситалари билан тўлдирилиши мумкин.

Силга қарши терапия пайтида қалқонсимон безнинг фаолиятини назорат қилиш ва тузатиш қалқонсимон безнинг нормал ҳолатини тиклаши мумкин, бу эса ўз навбатида цитокинли иммунитет танқислигини тўлдиришга ва даволаш самарадорлигини оширишга ёрдам беради.

Хулоса. Ўпка силининг емирилиш босқичи билан кечувчи шакллари илк марта ташҳис қўйилган беморларнинг ярмидан кўпида қалқонсимон без ҳажмининг ўзгариши кузатилди. Бундай беморларнинг қон зардобидида тироксин кўрсаткичи мейёрдан паст даражада эди. Ўтказилган кимёвий терапия натижасида гипофиз безининг тиреотроп гормони даражасининг сезиларли даражада ошиши билан тироксин даражасининг сезиларли даражада пасайишига олиб келади. Олинган натижалар шуни кўрсатадики, қалқонсимон без гормонларининг синтетик аналогларини силга қарши кимёвий терапия билан бирга қўллашга учун асос бўлиб хизмат қилиши мумкин. Бу эса беморларнинг силга қарши даволаш чораларида муваффақиятли натижаларга эришишга имкон беради.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Генделека Г.Ф. Аутоиммунный синдром перекреста (overlap-синдром) при заболеваниях щитовидной железы / Г.Ф. Генделека // Міжнародний ендокрино-логічний журнал. - 2010. - № 2 (26). - С. 117-127.
2. Маматова Н.Т. Силнинг огир ва сурункали шакллари билан касалланган беморларга паллиатив тиббий ёрдам кўрсатишнинг аҳамияти. // Журнал вестник врача №2 (94)-2020. -С. 52-55.

3. Маматова Н.Т., Ходжаева С.А. Выявление туберкулёза лёгких у больных с психическими расстройствами. // Журнал молодёжный инновационный вестник. 2018. №1(7). -С. 68.
4. Маматова Н.Т., Ходжаева С.А. Отрицательные социальные факторы и их влияние на возникновение туберкулёза у детей. // Журнал молодёжный инновационный вестник. 2018. №1(7). -С. 67.
5. Archambeand-Monveroux F. Hyperthyroidism without elevated levels of thyroxin and triiodothyronine in a patient with pulmonary tuberculosis / F. Archambeand- Monveroux, C. Dejax, D. De Buhan, F. Bonnaud // South. Med. J. - 1989. - Vol. 82. - P. 907-911.
6. Botasso O. Immunoendocrine alterations during human tuberculosis as an integrated view of disease pathology / O. Botasso, M.L. Bay, H. Besedovsky [et al.] // Neuroimmunomodulation. - 2009. - Vol. 16. - P. 193-199.
7. Chow C.C. Euthyroid sick syndrome in pulmonary tuberculosis before and after treatment / C.C. Chow, T.W. Mak, Chan, C.S. Cockam // Ann. Clin. Biochim. - 1993. - Vol. 32.-P. 385-391.
8. Dooley K. E., Obuku E. A., Durakovic N. et al. World Health Organization Group 5 Drugs for the Treatment of Drug-Resistant Tuberculosis: unclear efficacy or untapped potential? J. Infect. Dis. 2013; 207: 1352-8. 50.
9. Du N., Sheng L., Liu Z. et al. The binding characteristics of isoniazid with copper-zinc superoxide dismutase and its effect on enzymatic activity. Chem. Cent. J. 2013 Jun 6; 7 (1): 97.
10. Gharid H. Subclinical thyroid dysfunction a joint statement on management from the American Association of Clinical Endocrinologists, the American Thyroid Association and the Endocrine Society / H. Gharid, R.M. Turtle, H.J. Baskin [et al.] // J. of Clin. Endocrinol, and Metab. - 2005. - Vol. 42. - P. 181-189.
11. Hill A.R. Rapid changes in thyroid function tests upon treatment of tuberculosis / A.R. Hill, M.F. Schmidt, G.C. Schussler // Tuber. Lung. Dis. -1995. - Vol. 76. - P. 223-229.
12. Hwang T. J., Dotsenko S., Jafarov A. et al. Safety and availability of clofazimine in the treatment of multidrug and extensively drug-resistant tuberculosis: analysis of published guidance and meta-analysis of cohort studies. BMJ Open. 2014 Jan 2; 4 (1): e004143. doi: 10.1136 / bmjopen-2013-004143.
13. Zosin I. The importance of screen of thyroid dysfunctions / I. Zosin // Міжнародний ендокринологічний журнал. - 2009. - № 1 (19). - С. 33-45.

ҲАР ХИЛ ЁШДАГИ БОЛАЛАР ЖИГАРИНИНГ АНАТОМИК ТУЗИЛИШИ**Х. К. Машарипова¹, Р. Д. Усманов², С. М. Ахмедова²**¹Тошкент Тиббиёт Академияси Урганч филиали, Урганч, Ўзбекистон²Тошкент тиббиёт академияси, Тошкент, Ўзбекистон**Таянч сўзлар:** жигар ўт йўллари, жигар, эрта постанатал онтогенез.**Ключевые слова:** печеночные протоки, печень, постнатальный онтогенез.**Key words:** hepatic ducts, liver, postnatal ontogenesis.

Ишнинг мақсади: янги туғилган чақалоқларда, болаларда ва ўсмир ёшида жигарнинг макроскопик тузилиши, ўт йўллари топографик анатомияси ва макроскопик тузилишини ўрганиш. Материал ва усуллар: Оғирлиги 3-55 килограммгача бўлган янги туғилган чақалоқлардан то 16 ёшгача бўлган жигар ва ўт йўлларининг касалликлари билан боғлиқ бўлмаган сабаб билан вафот этган ҳар хил ёшдаги 54 та болалар мурдаси ўрганилди. Умумий ўт йўлининг шаклланиш вариантлари батафсил ўрганилди. Натижа: Ўт йўлларининг диаметри, унинг ҳосил бўлиши, шохларининг сони, жигар ўт йўллари ва сегментар йўллари орасидаги анастомозлар ёшга қараб ўзгариши аниқланди. Умумий жигар йўлининг диаметри биз ўрганган ҳар хил ёшдаги болаларда 1,1 ммдан 5,0 ммгача, ўнг жигар йўлининг диаметри эса 0,87 дан 3,06 гача, чап жигар йўли 0,89 ммдан 3,03 гача эканлиги аниқлади. Бу вақтда умумий жигар йўлининг узунлиги 4,5 ммдан 35,8 мм гачани ташкил қилди. Чап ва ўнг жигар йўллари умумий жигар йўли ҳосил қилишидаги бурчаги ҳам ўзига хос хусусиятга эга. Хулоса. Олинган натижаларнинг хулосасига қўра, ўрганилган ҳамма ёшдаги болаларнинг умумий ўт йўлининг шаклланиши турлича бўлиб, унинг асосида 2-4 жигар ичи йўллари иштирок этиб, жигарнинг ўнг бўлагидан чикувчи йўл устунликга эга.

АНАТОМИЧЕСКОЕ СТРОЕНИЕ ПЕЧЕНИ ДЕТЕЙ РАЗНОГО ВОЗРАСТА**Х. К. Машарипова¹, Р. Д. Усманов², С. М. Ахмедова²**¹Ургенчский филиал Ташкентской медицинской Академии, Ургенч, Узбекистан²Ташкентская медицинская академия, Ташкент, Узбекистан

Цель работы изучить топографическую анатомию и макромикроскопическое строение желчного пузыря и желчевыводящих путей у новорожденных, детей и подростков. Материал и методы исследования. Объектом исследования служили 54 трупов новорожденных, детей и подростков обоего пола до 16 лет, с массой тела от 3,0 кг до 55 кг, умерших по причинам, не связанным с патологией печени и желчных протоков. Подробно изучено формирование общего желчного протока, варианты его образования. Результаты. Возрастные изменения топографии протоков касались длины, диаметра, глубины залегания, количества ветвей и выраженности анастомозов между сегментарными ветвями и между долевыми протоками. Диаметр общего печеночного протока колебался от 1,1 мм до 5,0 мм, правого печеночного протока от 0,87 мм до 3,06 мм, а левого печеночного протока от 0,89 мм до 3,03 мм в разных возрастных группах. При этом длина общего печеночного протока составляет от 4,5 мм до 35,8 мм. При рассмотрении углов впадения между общим печеночным и левыми и правыми протоками варьирует. Заключение. Полученные результаты показали, что у детей всех возрастных групп формирование общего печеночного протока вариабельно; в его образовании принимают участие от 2 до 5 внутрипеченочных протоков, при этом количество протоков, идущих от правой доли печени преобладает.

LIVER ANATOMICAL STRUCTURE OF DIFFERENT AGE CHILDREN**H. K. Masharipova¹, R. D. Usmanov², S. M. Akhmedova²**¹Urgench branch of the Tashkent Medical Academy, Urgench, Uzbekistan²Tashkent Medical Academy, Tashkent, Uzbekistan

The purpose of the work is to study the topographic anatomy and macroscopic structure of the gallbladder and biliary tract in newborns, children and adolescents. Material and research methods. The object of the study was 54 corpses of newborns, children and adolescents of both sexes up to 16 years old, with body weight from 3.0 kg to 55 kg, who died for reasons not related to pathology of the liver and bile ducts. Studied in detail the formation of the common bile duct, the options for its formation. Results. Age-related changes in the topography of the ducts concerned the length, diameter, depth, the number of branches and the severity of anastomoses between segmental branches and between the lobar ducts. The diameter of the common hepatic duct ranged from 1.1 mm to 5.0 mm, the right hepatic duct from 0.87 mm to 3.06 mm, and the left hepatic duct from 0.89 mm to 3.03 mm in different age groups. The length of the total hepatic duct is from 4.5 mm to 35.8 mm. When considering the angles of incidence between the common hepatic and left and right ducts varies. Conclusion. The results showed that in children of all age groups the formation of the common hepatic duct is variable; 2 to 5 intrahepatic ducts take part in its formation, while the number of ducts coming from the right lobe of the liver prevails.


Охирги ўн йилларда ўт йўлларининг жарроҳлик касалликлари жадал ривожланиши, билиар тизимнинг топографик анатомиясини ўрганишга талабни янада оширди (2). Жарроҳлик амалиётига диагностика ва даволаш мақсадида янги замонавий, инновацион усуллар тадбиқ қилиниши қорин бўшлиғи аъзолари топографиясини янада мукамалроқ ўрганишни талаб қилмоқда (1,4). Таъкидлаш жоизки, охирги йилларда ўт йўлларининг касалликлари ёшларни орасида ҳам кўпайиб бормоқда (5,6). Бу эса ўз навбатида жигар, ўт пуфағи ва ўт йўллари анатомиясини чуқурроқ ўрганиш зарурлигини кўрсатади (3,7,8). Аммо бугунги кундаги хорижий ва маҳаллий адабиётларда қорин бўшлиғи аъзоларининг анатомиясини ёшга қараб ўзгариши ва уларнинг топографиясига бағишланган тадқиқотлар етарли эмас. Адабиётлардаги маълумотлар замонавий жарроҳлик талабларини тўлиқ қондирмайди. Ҳозиргача илмий адабиётларда болаларнинг ўт йўлларининг ҳосил бўлиши, ривожланиши уларнинг ёшга хос хусусиятлари каби қатор ечилмаган муаммолар мавжуд. Адабиётларда жигаричи ўт йўлларининг жигар дарвозаси соҳасида кўшилиши ҳақида маълумотлар келтирилган. Лекин жигар ичи ўт йўлларининг эрта постнатал онтогенез даврида ёшга қараб ўзгариши ечилмаган муаммо бўлиб ҳисобланади. Шунингдек, болаларнинг жигар ичи ва ташқарисидаги ўт йўлларининг ёшга хос морфометрияси етарлича ўрганилмаган.

Уқоридагиларни инобатга олиб, биз жигарнинг анатомик тузилиши, умумий ўт йўлининг шаклланишини, уларнинг ҳар хил ёшдаги болаларда морфометрик ва морфологик ўзгаришини ўрганишни ўз олдимизга мақсад қилиб олдик.

Тадқиқотни ўрганиш материали ва усуллари. Морфологик текшириш материали бўлиб, ўт пуфағи ва жигар нуқсони билан боғлиқ бўлмаган сабаблар билан нобуд бўлган 54 та ҳар хил ёшдаги 16 ёшдаги болаларнинг мурдасининг қорин бўшлиғидан олинган аъзолар бўлиб ҳисобланади. Тана вазни 3,0 кг дан 55 кг га икки жинсга ҳам мансуб бўлган ҳар хил ёшдаги болалар мурдаларидан фойдаланилди. Ўрганиш мақсадида болаларни қуйидаги гуруҳларга ажратдик: чақалоқлар (1-10 кун), эмизикли давр (11 кун-1 ёш), эрта болалик даври (1 ёш 3 ёш), биринчи болалик даври (4 ёш-7 ёш), иккинчи болалик даври (8 ёш-12 ёш), ўсмирлик даври (13-16 ёш). Мурда материали Ўзбекистон Республикаси суд тиббиёти экспертизаси илмий амалий марказининг Хоразм филиалида олинган. Ўрганиш объекти сифатида жигар, жигар ичи ва жигар ташқарисидаги ўт йўллари препаративка усулида олиниб макроскопик ва морфометрик текширишлар ўтказилди. Умумий ўт йўлининг шаклланиши ўрганилди.

Адабиётлардан маълумки, бола туғилганидан сўнг бошқа аъзоларга нисбатан жигар

Тана вазнига жигар вазнининг нисбати (%)



1 диаграмма.

кўпроқ ўзгаради. Янги туғилган болаларда жигарнинг ўртача вазни 165,5±12,2 граммни ташкил қилиб, бу ўз навбатида тана вазнининг 5,2% га тенг эканлигини кўрсатди. Боланинг ёши ўсган сари аста секин жигарнинг ўсиш темпи тана вазнига нисбатан секинлашади. Эмизикли даврда жигарнинг ўртача вазни 284±7,3 граммни ташкил қилиб, тананинг 4,5% га тенг келади. Эрта болалик даврида жигар вазни тана вазнининг 3,8% ни эгаллаб оғирлиги 450±2,2 граммга етади. Жигарнинг вазни биринчи болалик даврида 686±5,9 граммни ташкил қилади ва тана вазнининг 3,5% эгаллайди. Иккинчи болалик даврида эса жигарнинг вазни 963±2,8 граммга етади ва тана вазнининг 3% ташкил қилади. Ўсмирлик даврида жигарнинг вазни ўртача 1409±4,5 грамма етади ва тана вазнининг 2,7 % га тенг келди (1 диаграмма).

Кузатувлар натижаси постнатал онтогенез даврида болаларнинг жигарининг висцерал юзасининг шакли турлича эканлигини кўрсатди. Янги туғилган болаларда, эмизикли даврда ва эрта болалик даврида 67% ҳолатларда жигарнинг шакли узунчоқ шаклда, 33% ҳолатда эса овалсимон шаклда эканлиги аниқланди. Биринчи ва иккинчи болалик даврида эса болаларнинг жигарининг шакли аста секин овал шаклга яқинлашди ва 70% ҳолатда овалсимон, 9% ҳолатда узунчоқ ва 21% ҳолатда учбурчак шаклда эканлиги қайд этилди. Ўсмирлик даврига келиб жигарнинг шакли кўп ҳолатда (81%) учбурчаксимон шаклни эгаллади ва кузатувларимизнинг 19% ида овалсимон шаклда эканлиги аниқланди.

Амалий жарроҳлик учун жигар дарвозасининг шакли, унда жойлашган ҳосилаларнинг ҳолати муҳим аҳамият касб этади. Одатда жигарнинг висцерал юзасида иккита сагитал ва битта кўндаланг эгат кўринади. Кўндаланг эгатда жигар дарвозаси жойлашган. Мана шу жигар дарвозасининг қайси даражада намоён бўлганлигига кўра очиқ тури- барча сагитал ва кўндаланг эгатлар яққол акс этган; ёпиқ тури – сагитал эгатлар кўринмайди, кўндаланг эгат калта ва жигарнинг дарвозаси жигарнинг паренхимаси билан беркилган; ва аралаш турида сагитал ва кўндаланг эгатларнинг яққол акс этмаганлиги кўринади. Жигар дарвозасининг турини баҳолаганимизда 64% болаларда жигар дарвозасининг ёпиқ тури, 31% ҳолатда аралаш тури ва 5% ҳолатда ёпиқ тури учради.

Жигарнинг дарвозасини ҳолати кузатилган 42 % ҳолатда дарвоза жигар кенглигининг ўртасида жойлашганлиги аниқланди. 36% ҳолатда дарвоза жигарнинг орқа қирғоғига яқин жойлашган 22% ҳолатда эса дарвоза жигарнинг олдинги қирғоғига яқин жойлашганлиги аниқланди. Янги туғилган ва эмизикли даврдаги болаларнинг жигар дарвозасининг ёпиқ тури кўпроқ учрайди. Бу эса ўз навбатида жарроҳлик амалиётини ўтказишга қийинчилик туғдиради.

Янги туғилган чакалоқлар жигар дарвозаси олдинги қирғоқдан $5,68 \pm 0,8$ см, орқа қирғоқдан эса $3,7 \pm 1,3$ см узоқликда жойлашганлиги аниқланди. Эмизикли даврда эса жигар дарвозаси олдинги қирғоқдан $5,4 \pm 0,3$ см, орқа қирғоқдан эса $4,2 \pm 0,3$ см узоқликда, эрта болалик даврда эса олдинги қирғоқдан $5,2 \pm 1,3$ см, орқа қирғоқдан эса $4,5 \pm 0,9$ см узоқда жойлашган.

Кузатувларимизга кўра биринчи болалик даврида жигарнинг ўлчамларини катталашини кузатилди. Жигарнинг ўлчамларини катталашини билан жигарнинг дарвозасини топографияси ҳам марказга силжиши билан ўзгарди. Бу ёшдаги болаларда жигарнинг дарвоза жигарнинг марказига тўғри келди. Бу ёшда жигар дарвозаси олдинги қирғоқдан $6,3 \pm 2,3$ орқа қирғоқдан эса $6,1 \pm 0,7$ см узоқликда жойлашганлиги аниқланди. Иккинчи болалик даврида жигарнинг ўлчамлари олдинги ёшга нисбатан унчалик кўп ўзгармайди. Жигар дарвозаси эса марказда жойлашиб, олдинги қирғоқдан $6,7 \pm 1,6$ орқа қирғоқдан эса $6,9 \pm 1,1$ см узоқликда жойлашган. Ўсмирлик даврига келиб жигарнинг дарвозаси олдинги қирғоқдан $7,1 \pm 2,3$ орқа қирғоқдан эса $7,3 \pm 2,2$ см узоқликда жойлашади.

Жигарнинг сегментларга бўлиниши кўпгина адабиётларда яхши ёритилган бўлиб, бу сегментар бўлиниш жигарнинг дарвоза венаси системасига асосланган. Замонавий адабиётларда жигарнинг сегментар бўлиниши кўп ёритилганлигига қарамай жигарнинг қон томирларининг ёшга қараб тармоқланиши ҳақидаги маълумотлар аниқ эмас. 2003 йилдаги Халқаро анатомик номенклатура бўйича жигар 2 та ўнг ва чап бўлақлардан, 4 та қисм ва 8 та сегментдан иборат. Жигарнинг диафрагмал юзасида сегментларни чегарасини аниқлаш мақсадида қуйидаги чизиқларни ўтказдик: кўндаланг чизиқ жигарнинг дарвоза соҳасида, чап ва ўнг сагитал чизиқлар, ҳамда жигарни 2 та бўлақга ажратувчи ўрта сагитал чизиқ. Висцерал юзада эса жигарни сегментларини чегараловчи бир нечта чизиқ: биринчи горизонтал чизиқ жигар дарвозасининг давоми бўлиб кўндаланг ўтказилди, иккинчи чизиқ чап сагитал эгатда ўтди. Учинчи чизиқ эса ўт пуфаги чуқурчасини ўнг ташқи қирраси билан пастги ковак венанинг ташқи қирғоғини туташтирувчи бўлиб ҳисобланади. Юқорида санаб ўтилган 3 та чизиқ билан жигарни 6 та сегментга ажратиш мумкин. Кўндаланг эгат билан ўнг сагитал эгат кесишган нуқтадан ўнг олдинги ён бурчакгача жигарнинг висцерал юзаси 7

та сегментга бўлинади.

Жигарнинг бўлақларга ажратилиши иккита тизим бўйича аниқланади: дарвоза венаси системаси ва пастги ковак тизими системаси. Бу қон томирларнинг жигарнинг ичида тармоқланишига кўра жигарни бўлақларга бўлинади. Жарроҳлик амалиётида жигарнинг бўлақларини резекция қилиш пайтида дарвоза венасининг тармоқлашнишига кўра амалга оширилади.

Couinaud С. (1957) бўйича жигар 8 та сегментдан иборат бўлиб, ҳар бир сегмент жигар артерияси ва дарвоза венасининг тармоғини қабул қилади ва ўт йўлининг тармоғи чиқади. Биринчи тўртта сегмент жигарнинг чап бўлагини, қолган тўртта сегмент жигарнинг ўнг бўлагини ҳосил қилади. Жигар бўлақларининг чегараси бўлиб ўт пуфагининг чуқурчасидан ковак венаси эгатиғача бўлган чегара ажратиб туради. Бу чегара баъзан олдинги томондан ўт пуфагининг чуқурчаси, орқа томондан эса думли бўлақнинг ўртасига тўғри келиши мумкин. Couinaud С. (1957) таснифига кўра жигарнинг чап бўлагиди думли бўлақга тўғри келувчи орқа сегмент (CI), орқа чап латерал сегмент (CII), олдинги чап латерал сегмент (CIII) ва квадрат бўлагиди чап медиал сегмент (CIV); ўнг бўлақда эса —олдинги ўнг медиал сегмент (CV), олдинги ўнг латерал сегмент (CVI), орқа ўнг латерал сегмент (CVII) ва орқа ўнг медиал сегментдан (CVIII) иборат.

Ўтказилган тажрибалар жигарнинг орқа (CI) сегменти думли бўлақда жойлашганлигидан далолат берди. Уни олдинги томонидан жигарни кўндаланг эгати, чап томондан эса веноз бойлам чегаралаб туради. Бу сегментни чегарасини фақатгина жигарнинг висцерал юзасида аниқлаш мумкин. Бу сегмент ўлчами жиҳатидан энг кичкина бўлиб, унинг ўлчами думли бўлақнинг ўлчамига боғлиқ бўлади.

(CII) сегменти (чап латерал сегмент) жигарнинг орқа чап бўлагини эгаллайди. Жигарнинг висцерал юзасида унинг чегаралари қуйидағича: ўнг томондан веноз бойлам, орқадан ва чап томондан жигарнинг чап бўлагини эркин чап орқа қирғоғи ҳосил қилади. Бу сегментнинг олдинги чегараси - жигарнинг дарвоза қисмидан ўтувчи кўндаланг эгат. Сегментнинг ўлчами жигарнинг шакли, унинг катталиги, боланинг ёши ҳамда (CIII) сегментининг қон томир ва тармоқларининг ривожланишига боғлиқ. Олдинги латерал чап сегмент (CIII) яққол ривожланган пайтда, шу сегментнинг қон томир ва ирмоқлари чап бўлақнинг орқа қирғоғига тегиб туриб, фақатгина олдинги латерал бўлақнигина эмас, балки қисман орқа бўлимни ҳам қамраб олади. (CII) сегменти кўп ҳолларда унчалик катта бўлмай, медиалроқ ёндашиб, веноз бойламнинг эгатиға яқин жойлашади. Бу вақтда сегментлар орасиди чегара ўзгариб, олдин кўндаланг, кейин эса жигарнинг чап бўлагининг орқа ён қирғоғи йўналишиға қараб қийшиқ ўзгариши аниқланди.

(CIII) сегменти (CII) сегментига нисбатан олдинроқда жойлашганлиги аниқланди. Унинг топографияси (CII) сегментининг қон томир ва тармоқларининг ривожланишиға боғлиқ. Ўлчами эса ёшға қараб, аъзонинг шакли ва ички қон томир ва ирмоқларининг ривожланиш даражасиға қараб ўзгариши кузатилди. Жигарнинг учбурчаксимон шаклида қон томирлар яхши ривожланмаган ва (CIII) сегментининг ўлчами кичикроқ эканлиги аниқланди.

Жигарнинг тўртинчи сегменти (CIV) квадрат бўлагини ўз ичига олади. Бу сегментнинг чегаралари жигарнинг юмалоқ бойламининг эгатининг эркин қирғоғи, ўт пуфагининг чуқурчаси, ва орқадан жигар дарвоза соҳасиди кўндаланг эгат ҳосил қилади. Жигарнинг кенг шакли турида (CIV) сегмент кўп ҳолларда кенг бўлади. Жигар дарвозасининг олдинги қирғоқға яқин турида эса бу сегмент калта ва кенг эканлиги аниқланди.

CV ва CVI сегментлар жигарнинг ўнг бўлагини олдинги ён бўлимни эгалаб, ўзаро қийшиқ чизик билан чегараланганлиги исботланди. Бу қийшиқ чизик жигар дарвозасининг ўнг чегарасидан бошланиб аъзонинг олдинги ён қирғоғига 45 градусға йўналган бўлади. Бу иккита сегмент (CVII) сегментдан жигар дарвозасининг давоми бўлган кўндаланг чизик билан чегараланган бўлади. Бу сегментларнинг ҳам катталиги қон томирнинг тармоқланишиға боғлиқ эканлиги аниқланди.

CVII сегмент ўнг бўлақди сегментларни ичида энг каттаси бўлиб, унинг катталиги

ва қалинлиги ўнг бўлакнинг орқа қисмида аниқланади. Бу сегмент CVI ва CVIII сегментларни орасида жойлашади.

CVIII сегмент жигарнинг ўнг бўлагининг орқамедиал қисмида жойлашиб, фақатгина диафрагмал юзада кўринади. CVIII сегмент чап томондан CIV, ўнгдан CVII, олдиндан эса CV сегмент билан чегараланади.


Ўт йўллариининг ҳолатини ўрганишни умумий ўт йўлининг шаклланишидан бошладик. Умумий ўт йўли жигар ўн икки бармоқли ичак бойламининг ичида жойлашиб, 80% ҳолатларда дарвоза венасидан ўнг томонда ва олдинда жойлашганлиги аниқланди. Янги туғилган чақалоқларда контраст модда юборганимизда сегментар йўллар кўринди. Сегментар ўт йўллариининг қўшни сегментлар ва бўлақлар орасидаги анастомозлар яққол акс этмаганлиги аниқланди. Жигарнинг ўнг бўлагидаги аъзо ичи ўт йўллари ўзаро қўшилиб ўнг жигар йўлини ҳосил қилади. Бундан ташқари ўнг жигар йўлининг шаклланишида, дум бўлагидан чикувчи, кам ҳолларда эса жигарнинг квадратсимон бўлагидан чикувчи йўллар ҳам ҳосил қилиши мумкин. Чап жигар йўлининг шаклланишида жигарнинг чап бўлагидан чикувчи ўт йўллар, квадратсимон бўлақдан ва думли бўлақдан чикувчи ўт йўллари иштирок этади.

Шундай қилиб, жигарнинг перифериясидан бошланувчи 4-5 қатор жигар ичи ўт йўллари, бир бири билан ўзаро ўткир бурчакдан тортиб ўтмас бурчакгача турли бурчак остида бирлашиб, жигар дарвозасига қараб йўналади. Жигар дарвозасига қараб келгунча ўт йўллариининг сони камайиб, диаметри ошиб боради. 1 қатор ўт йўллари ўзаро қўшилиб ўнг ва чап жигар йўллариини, улар эса ўзаро қўшилиб жигар дарвозаси соҳасида жойлашган умумий жигар йўлини ҳосил қилади.

Умумий жигар йўлининг ҳосил бўлишини ҳар хил турини кўриш мумкин. Бизларнинг маълумоларимизга кўра, 2-5 та ўт йўллариининг шаклланади. Умумий ўт йўлининг узунлиги ҳар хил ёшда 4,2 мм дан 39,5 мм гача, диаметри эса 0,95 мм дан 4,93 мм гача ўлчамда эканлигини кўриш мумкин. Умумий ўт йўлининг узунлиги янги туғилган чақалоқларда 3,5 мм дан 5,2 мм гача, ўртача эса $4,5 \pm 1,2$ мм га тенг. Кўкрак ёшидаги болаларда умумий ўт йўлининг узунлиги ўртача $-9,9 \pm 1,1$ мм, эрта болалик даврида эса $-19,1 \pm 1,7$ мм, биринчи болалик даврида $24,3 \pm 1,4$ мм, иккинчи болалик даврида $29,1 \pm 2,2$ мм га тенг, балоғат ёшига келиб эса умумий ўт йўлининг узунлиги $35,8 \pm 2,7$ мм ни ташкил қилди. Умумий ўт йўлининг узунлиги ҳар хил ёшдаги болларда таҳлил қилинганида кўкрак ёшидаги болларнинг умумий ўт йўлининг узунлиги янги туғилган чақалоқлар умумий ўт йўлига нисбатан 2,2 марта катталиги, эрта болалик даврида эса кўкрак ёшидаги болларга қараганда 1,9 марта, биринчи ва иккинчи болалик даврида 1,2 марта ўсмир ёшидаги болаларда эса 1,1 марта катта эканлиги аниқланди.

Умумий ўт йўлининг диаметри янги туғилган чақалоқларда 1 дан 1,3 ммгача, ўртача $1,1 \pm 0,02$ мм ташкил қилди. Кўкрак ёшидаги болаларда умумий жигар йўлининг диаметри ўртача $-1,4 \pm 0,09$ мм, эрта болалик даврида ўртача $1,5 \pm 0,09$ мм, биринчи болалик даврида умумий жигар йўлининг диаметри $1,85 \pm 0,5$ ммга, иккинчи болалик даврида $-2,91 \pm 0,2$ мм, ўсмирлик ёшида эса $-5 \pm 1,7$ ммга тенг бўлди. Бизнинг таҳлиларимизга кўра, умумий жигар йўлининг диаметрининг ўсиш темпи кўкрак ёшидаги болаларда 27%, эрта болалик даврида 7 %, биринчи болалик даврида 23%, иккинчи болалик даврида 57% ва ўсмирлик даврида эса 71% ташкил қилди. Қайд этиш жоизки, бизнинг кузатувларимизга кўра, 37 та ҳолатдан 3 та ҳолатда жигарнинг ўнг бўлагидан 2 та йўл чиқади. Жигарнинг ўнг бўлагидан чикувчи олдинроқда жойлашган ўт йўли чап жигар йўлига, орқада жойлашган ўт йўли эса умумий жигар йўлига қуйилади (1 расм).

Умумий жигар йўлининг шаклланишида 2 тадан 4 тагача ўт йўли иштирок этади. Кўп ҳолларда умумий жигар йўли ўнг ва чап жигар йўллари иштирокида ҳосил бўлади. 80 % ҳолатда ўнг жигар йўли чап жигар йўлига қараганда калтароқ. 5% ҳолатда ўнг жигар йўли чап жигар йўлига қуйилади. 15 % ҳолатда умумий жигар йўлининг ҳосил бўлишида 3 та жигар йўли иштирок этади. Фақатгина 5% ҳолатда умумий жигар йўли қуйидаги 4 та



1 расм

йўлдан ҳосил бўлади, ўнг жигар йўлининг олдинги ва орқа тармоғидан, квадрат бўлагининг тармоғи ҳамда чап жигар йўлининг қўшилишидан ҳосил бўлади. 3 % ҳолатда эса умумий жигар йўли чап жигар йўли, ўнг жигар йўлининг олдинги ва орқа тармоқлари, квадратсимон ва думли бўлакнинг йўллариининг қўшилишидан ҳосил бўлиши аниқланди. Умумий жигар йўли чап ва ўнг жигар йўллариининг ўзаро қўшилиш бурчаги турлича бўлиши мумкин. Янги туғилган чақалоқларда ўнг жигар йўли умумий жигар йўлига қуйилиш соҳаси 90 градус, чап жигар йўли эса 70-80 градус бурчак остида қуйилади. Бизнинг кузатувларимизга кўра ўнг жигар йўли умумий жигар йўлига чап жигар йўлига нисбатан ўткирроқ бурчак остида қуйилади.

Хулоса. Жигар дарвозасини топография жигарнинг шаклига, унинг ўлчамларига ва одамнинг ёшига боғлиқ равишда ўзгаради. Жигар дарвозасининг топографияси жигар қон томирларининг тармоқланиши, жигарни ичида ўт йўллариининг шаклланиш ҳолатидан дарак беради. Болаларда жигар дарвозаси жигарнинг висцерал юзасининг ўртасида, ёки олдинги ёки орқа қирғоқга яқинроқ жойлашиши мумкин. Шундай қилиб болаларда кўп ҳолатларда жигар дарвозасининг ёпиқ турдаги жойлашиши учрайди. Жигар дарвозасининг орқа қирғоқга яқин жойлашуви жарроҳлик амалиёти учун қийинчилик туғдиради. Сегментлар орасидаги чегаралар шартли бўлиб, улар қон томирларнинг тармоқланиши ва иромқларининг сохаларига мос келади. Сегментларнинг жойлашуви ўзгарувчанлиги уларнинг чегараларини аниқлашда қийинчилик туғдиради. Операция пайтида сегментнинг чегарасини аниқлаш учун маълум сегментни қон билан таъминловчи қон томир оёқчасини боғлаб туриш мақсадга мувофиқдир.

Сегментлар ўзаро қўшилиб, абзонинг каттароқ қисмини ҳосил қилади. Масалан, СII ва CIV сегментлар ўзаро чап парамедиан секторни, СII сегмент ча латерал секторни, CV ва CVII сегментлар биргаликда ўнг парамедиан секторни, ўнг латерал секторни эса CVI ва CVII сегментлар ҳосил қилади. CI сегмент эса дорзал секторни ташкил қилади.

Шундай қилиб, умумий жигар йўлининг ҳосил бўлишида 2 тадан 4 тагача йўл иштирок этади. Кузатувларимизнинг барча ҳолатида ўнг жигар йўли, чап жигар йўлига қараганда калтароқ. Ўнг жигар йўлининг чап жигар йўлига қуйилиш ҳолатлари кузатилди. Лекин чап жигар йўлининг ўнг жигар йўлига қуйилиш ҳолатини кузатмадик. Олинган бу хулосаларнинг амалий аҳамияти шундан иборатки, чап жигар йўли ўт суяқлигини фақатгина чап бўлакдан, квадратсимон ва думли бўлакданга хайдаб қолмайжигарнинг ўнг бўлагидан ҳам хайдайди. Жигарнинг бундай анатомик тузилишини жигарнинг чап бўлагини резекция қилаётган пайтда инobatга олиш керак. Юқорида келтирилган маълумотлар жигарда ўтказилаётган жарроҳлик амалиётда оғир асоратлар келиб чиқишини олдини олади.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Артемов А. В. Алгоритм инструментальной диагностики заболеваний органов гепатопанкреатодуоденальной зоны с использованием магнитно-резонансной холангиопанкреатографии // *Анналы хирургии.* – 2009. – № 2. – С. 42–46.
2. *Детская оперативная хирургия: Практическое руководство* / Под. ред. В.Д. Тихомировой. – М.: ООО «Издательство «Медицинское информационное агентство», 2011. – 872 с.
3. Дронов А.Ф., Холостова В.В. // *Эндоскоп. хир.* –2004. - №6. – С. 35 – 38.
4. Ефременков А.М. Вариантная анатомия печени и желчевыводящих путей у новорожденных и грудных детей //Ефременков А.М., Игнатъев Е.М., Свиридов А.А. //Евразийский Союз Ученых .-2015.-№ 5 (14). – С. 30 – 31.
5. Орехов В. Ф. Чреспеченочные эндобилиарные вмешательства при механической желтухе // *Международный журнал интервенционной кардиоангиологии.* – 2004. – № 5. – С. 57–60.
6. Otte J.B., Reding R., de Ville de Goyet J. et al.Experience with living related liver transplantation in children. *Acta Gastroenterol Belg* 1999; 62: 355—362.
7. Should open Kasai portoenterostomy be performed for biliary atresia in the era of laparoscopy / Wong K.K., Chung P.H., Chan K.L. et al. // *Pediatr. Surg. Int.* – 2008. – №24. – P. 931 – 933.
8. Tajiri T., Yoshida H., Mamada Y., Taniai N., Yokomuro S., Mizuguchi Y. Diagnosis and initial management of cholangiocarcinoma with obstructive jaundice // *World j. gastroenterol.* – 2008. – May 21. № 14 (19). – P. 3000 –3005.

ЎПКА ҚОН ТОМИРЛАРИНИНГ МОРФОЛОГИК ТУЗИЛИШИ**Ш. С. Машарипова¹, У. М. Миршаропов²**¹Тошкент Тиббиёт Академияси Урганч филиали, Урганч, Ўзбекистон²Тошкент тиббиёт академияси, Тошкент, Ўзбекистон**Таянч сўзлар:** ўпка ичи артериялари, артериялар, постанатал онтогенез.**Ключевые слова:** внутрилегочные артерии, артерии, постнатальный онтогенез.**Key words:** intrapulmonary arteries, arteries, postnatal ontogenesis.

Ишнинг мақсади: ўпка аъзо ичи артерияларнинг морфологик тузилишини ўрганишни. Материал ва усуллар: Тажриба учун вояга етган 220-280 грамм оғирликга эга бўлган, 4-5 ойлик эркак жинсига мансуб, 60 та оқ лаборатор каламушлардан фойдаландик. Ўпка ичи артерияларининг каватларини тузилиши, уларнинг морфометрия ўрагинилди. Натижа: Морфологик хусусиятини солиштириш мақсадида биз 6 та даражадаги артерияларни ўргандик. 1 ва 3 даражадаги артериялар мушак эластик типиди, 4-6 даражадаги артериялар мушак типидидаги артериялар. Янада мукамалроқ ўрганиш учун артериялар яна учта гуруҳга ажратилди: кичик, ўрта ва катта ўлчамли артериялар. Тадқиқотларимиз натижалари кўрсатишича, 3 ва 4 даражали артерияларда кўшимча равишда спиралсимон силлиқ толали мушак қавати ривожланади. Бу қават кўндаланг кесмаларда алоҳида ёстиксимон бўртма сифатида намоён бўлади. Адвентиция томонидан ташқи эластик мембранага яқин жойлашади. Унинг асосини ташкил қилувчи силлиқ мушак толалари қийшиқ айлана йўналишга эга бўлиб, бир бирига жуда зич жойлашади. Хулоса. Олинган натижаларнинг хулосасига кўра, мушак эластик артерияларнинг мушакли артерияларга давом этишида адвентиция томонидан спиралсимон толалар каби ўраб олган кўшимча мушак қаватнинг пайдо бўлиши аниқланди. Бунинг натижасида, артериянинг ўрта каватининг ўлчами қалинлашади. Бунинг натижасида эса Керног индекси ўзгаради.

МОРФОЛОГИЧЕСКОЕ СТРОЕНИЕ СОСУДОВ ЛЕГКИХ**Ш. С. Машарипова¹, У. М. Миршаропов²**¹Ургенчский филиал Ташкентской медицинской академии, Ургенч, Узбекистан²Ташкентская медицинская академия, Ташкент, Узбекистан

Цель исследования: изучить морфологическое строение внутрилегочных артерий. Материалы и методы. Для эксперимента использовали 60 белых беспородистых лабораторных крыс, массой 220–280 граммов, самцов в возрасте 4–5 месяцев. Изучено строение слоев внутрилегочных артерий, их морфометрия. Заключение: для сравнения морфологического строения внутрилегочных артерий мы их изучали на 6 уровнях. Артерии 1-го и 3-го уровня относятся к мышечно-эластическому типу, артерии 4-6-го уровня - к артериям мышечного типа. Для более тщательного исследования артерии были разделены на три группы: артерии малого, среднего и большого калибра. Результаты наших исследований показывают, что на артериях 3 и 4 уровня развивается спиральный гладкомышечный слой. Этот слой в поперечных сечениях выглядит как отдельное подушкообразное утолщение. Располагается близко к наружной эластической мембране со стороны адвентиции. Вывод. В заключение можно сказать, что при переходе мышечно-эластических артерий на мышечные артерии со стороны адвентиции образуется дополнительный мышечный слой, который окружает стенку сосуда в виде спирали. В результате размер среднего слоя артерии увеличивается. Это приводит к изменению индекса Кернога.

LUNG VESSELS MORPHOLOGICAL STRUCTURE**Sh. S. Masharipova¹, U. M. Mirsharopov²**¹Urgench branch of the Tashkent Medical Academy, Urgench, Uzbekistan²Tashkent Medical Academy, Tashkent, Uzbekistan

Purpose of the study: to study the morphological structure of the intrapulmonary arteries. Materials and methods. For the experiment, 60 white outbred laboratory rats, weighing 220-280 grams, males aged 4-5 months were used. The structure of the layers of the intrapulmonary arteries and their morphometry were studied. Conclusion: to compare the morphological structure of the intrapulmonary arteries, we studied them at 6 levels. Arteries of the 1st and 3rd level belong to the muscular-elastic type, arteries of the 4th-6th level - to the arteries of the muscular type. For a more thorough examination, the arteries were divided into three groups: arteries of small, medium and large caliber. The results of our research show that a spiral smooth muscle layer develops on grade 3 and 4 arteries. This layer appears in cross-section as a separate pillow-like bulge. It is located close to the outer elastic membrane on the side of the adventitia. Output. In conclusion, we can say that during the transition of the muscular-elastic arteries to the muscular arteries on the side of the adventitia, an additional muscle layer is formed, which surrounds the vessel wall in the form of a spiral. As a result, the size of the middle layer of the artery increases. This leads to a change in the Kernogh index.

Замонавий морфология ва патоморфологиянинг долзарб вазибаларидан бири бу одам

организмидаги қон томирларнинг ҳар хил ёшдаги таркибий функционал шаклланиш қонунияти бўлиб ҳисобланади (1,2). Ўпкаларда кузатиладиган турли патологик жараёнлар нафас олиш тизими аъзолари, қон томирлар, алвеолалар, интерстиция, плевранинг зарарланиши билан кечиши мумкин. Ўпка артерияларнинг зарарланиши, кичик қон айланиш доирасидаги қон томирлардаги ўзгаришлар кўпгина ҳамроҳ касалликлар билан кечувчи патология бўлиб ҳисобланади. Кичик қон айланиш доирасида гемодинамиканинг бузилиши, унинг сабабларини эрта аниқлаш бугунги кунда янаям катта қизиқиш уйғота бошлади. Маълумки, ўпкалар газ алмашинув жараёнини таъминловчи системани ўз ичига олади. Бу тизимда асосий ўринни ўпканинг ташқи артериялари ҳамда аъзо ичи артериялари ташкил қилади. Кичик қон айланиш доирасида келиб чиқадиган патологияларда артерияларнинг таркибий ўзгариши муҳим ўрин тутиши адабиётларда келтирилган (3,7,8). Замонавий адабиётларда ўпка артерияларнинг эндотелиал қаватини турли патологияларда ўзгариши кўп учрайди (1,6). Бу артерияларнинг коллаген, эластик толалари ва бириктирувчи тўқиманинг бошқа толаларининг ўзгариши натижасида патологик жараёнлар ривожланади (4). Шулар билан бир қаторда қон томирларда ёшга қараб ҳам ўзгаришлар ривожланади. Юқоридагиларни инобатга олиб ўпка аъзо ичи артерияларнинг морфологик тузилишини ўрганишни ўз олдимишга мақсад қилдик.

Тадқиқотни ўрганиш материали ва усуллари. Тажриба учун вояга етган 220-280 грамм оғирликга эга бўлган, 4-5 ойлик эркак жинсига мансуб, 60 та оқ лаборатор каламушлардан фойдаландик. Тажрибани Тошкент тиббиёт академиясининг Анатомия, клиник анатомия кафедраси илмий лабораториясида бажардик. Кичик қон айланиш доирасидаги артерияларнинг морфологик тузилишини ўрганиш мақсадида, каламушлар жонсизлантирилгандан сўнг ўпка атрофидаги кўкс оралиғи аъзолари билан биргаликда ажратиб олиб, 10% ли формалин эритмасида 48 соат давомида фиксация қилинди. Сўнгра, 12 соат давомида оқар сувда ювилди ва ўсувчи спиртда сувсизлантирилгач парафин блокларида қотирилди. 10-12 мкмли гистологик препаратлар тайёрланиб гематоксилин эозин, Ван Гизон ва Вейгерт усулларида бўялди. Гистологик препаратлар микроскоп остида компьютерда суръатга олинди ва Компас — 3D V8 программаси ёрдамида артерияларнинг қуйидаги ўлчамлари ўлчанди: ички ва ташқи эластик мембрананинг узунлигини кўндаланг юзаси; бу эластик мембраналар орасидаги ўрта қаватнинг кўндаланг юзаси; адвентициянинг кўндаланг кесимини юзаси. Олинган маълумотлардан фойдаланиб Керноган индексини ҳисоблаб чиқдик. Артерияларда Керноган индекси аъзони қай даражада қон билан таъминланишини кўрсатади (5). Бу индексни аниқлаш учун қон томирнинг ўрта қаватининг қалинлиги ва томир диаметридаги нисбат ҳисобланиб 100 га кўпайтирилади.

Ўпканинг аъзо ичи артериялари мушак эластик ва мушак типидagi артериялар бўлиб ҳисобланади. Аъзо ичи артерияларни тавсифлашда биз Есипова И.К., Кауфман О.Я (1968) ва Е.К. Уейр, Дж.Т. Ривс (1995)ларнинг маълумотларига асосландик. Юқоридаги муалифларнинг маълумотларига кўра, кичик қон айланиш доирасининг артериялари бронхларнинг тармоқланишига кўра тармоқланади. Ҳар бир ўпка артериясининг тармоғи ҳар битта бронхга мос келиши шарт. Морфологик хусусиятини солиштириш мақсадида биз 6 та даражадаги артерияларни ўргандик. 1 ва 3 даражадаги артериялар мушак эластик типиди, 4-6 даражадаги артериялар мушак типидagi ўпка аъзо ичи артериялари. Янада мукамалроқ ўрганиш мақсадида артериялар яна учта гуруҳга ажратилди: кичик, ўрта ва катта ўлчамли артериялар. Бўлакли артериялар мушак эластик туридаги артериялар бўлиб ҳисобланади. Бу артерияларни микроскоп остида кўрганимда ички қавати эндотелий ва нозик эндотелий ости қаватидан иборат. Ўрта қаватида учта эластик мембрана бўлиб, уларнинг орасида қийшиқ бўйлама жойлашган силлиқ миоцитлар жойлашган. Ўрта қаватида коллаген толаларни кўриш мумкин. Аниқ чегарага эга бўлган ички ва ташқи эластик мембрана қавати яхши ривожланганлиги қайд этилди. Қон томирнинг диаметри кичиклашган сайин, ўрта қаватнинг эластик мембранаси юпқалашиб борди ва ташқи эластик мембрана билан қўшилиб кетиши кузатилди (жадвал №1). Артерияларнинг ташқи адвентиция қавати бирик-



1-расм. 3 даражали мушак эластик типдаги ўпка ичи артериясининг кўриниши. Бўялиши. Гематоксилин-эозин. Об. 10, ок. 10.

Артерия деворида ёстиқсимон бўртманинг пайдо бўлиши.
(ёстиқсимон бўртма стрелка билан кўрсатилган).

тирувчи толалардан, асосан коллаген ва эластик толалардан ташкил топган.

Мушакли турдаги ўпка аъзо ичи артериялари асосини ўрта қаватдаги яхши ривожланган силлиқ хужайрали мушак ташкил қилади. Ўрта қаватдаги мушак толалари ўзаро ички ва ташқи эластик мембранадан тузилганлигини кўриш мумкин. Силлиқ мушак толаларидан ташқари ўрта қаватда ингичка эластик толалар учрайди. Бундай артерияларнинг ички қавати кўп қаватли эндотелиоцитлардан иборат бўлиб, бевосита ички эластик мембранага тегиб туради. Бизнинг тадқиқотларимизда, бу

турдаги артерияларда субэндотелиал қават аниқланмади. Мушак типдаги ўпка артерияларнинг ташқи қаватида аниқ чегара бўлмай, бронхларнинг ташқи қаватида жойлашган нозик толали бириктирувчи тўқима толалари билан қўшилиб кетганлигини кўриш мумкин. Тадқиқотларимиз натижалари кўрсатишича, 3 ва 4 даражали артерияларда кўшимча равишда спиралсимон силлиқ толали мушак қавати ривожланади (расм 1). Бу қават кўндаланг кесмаларда алоҳида ёстиқсимон бўртма сифатида намоён бўлади. Бу бўртма адвентиция томонидан ташқи эластик мембранага яқин жойлашганлигини кўриш мумкин. Унинг асосини ташкил қилувчи силлиқ мушак толалари қийшиқ айлана йўналишга эга бўлиб, бир бирига жуда зич жойлашади. Бу ёстиқчалар ўпкада мушак эластик артерияларнинг мушакли артериялар турига алмашинувида ўзига хос ўрин тутиб, кичик қон айланиш доирасида қон айланишида муҳим ўрин тутса керак.

Ўпка. Қон томирларнинг тармоқланишида томир деворининг тузилиши ўзгарибгина қолмасдан, унинг морфометрик ўлчамлари ҳам ўзгариши аниқланди. Ўпка артерияларининг ички ва ташқи диаметрлари ўлчами аста секин кичрайиб борди (1 жадвал). Мушак эластик типдаги артерияларнинг ўрта қавати катта ўлчамга эга эканлиги қайд этилди. Ўрта ва кичик мушак типдаги артерияларнинг ўрта қавати кичик ўлчамларга эга эканлиги кузатилди. Тадқиқотларимиз таҳлили, ўпка аъзо ичи артерияларда Керноган идексининг бир биридан сезиларли фарқ қилиши аниқланди. Бу кўрсаткич ўрта қавати нисбатан қалин бўлган катта ва кичик мушакли артерияларда каттароқ эканлиги қайд этилди. Катта диаметрга эга бўлган мушак эластик типдаги йирик артерияларда эса бу кўрсаткич кичикроқ эканлиги аниқланди.

Берилган жадвалдан кўришиб турибдики, артерияларнинг ўрта қаватини кўндаланг кесимини юзаси 1 даражадан майда мушак типдаги артерияларга қараб аста секин камайишини кўриш мумкин. Ушбу ўзгаришларга хос ўзгаришларни адвентицияда ҳам кўриш мумкин. Адвентициянинг энг катта ўлчамини йирик мушак эластик типдаги артерияларда, кичик кўрсаткич эса — майда мушак типдаги артерияларда аниқланди.

Йирик ва ўрта мушак эластик типдаги артерияларнинг адвентиция ва ўрта қавати ўлчамининг нисбати ўзаро солиштирилганда, адвентициянинг ўлчами устунлиги билан нисбат 1:1,3 ва 1:1,2 га тенг эканлиги қайд этилди. Майда ўлчамлик мушак эластик типдаги ва мушак типдаги артерияларда, шунингдек йирик мушак типдаги артерияларда эса аксинча ўрта қаватнинг қалинлиги адвентицияга нисбатан катта эканлиги аниқланди ва нисбат 1:0,8

1 жадвал.

Ўпка аъзо ичи артерияларининг морфометрик кўрсаткичлари (M±t)

Артериянинг тури		Ташқи эластик мембрана узунлиги (мм)	Ички мембрана узунлиги (мм)	Ўрта қават ўлчами (мм)	Ташқи адвентиция қавати	Ички диаметри (мм ²)	Керног индекси
Мушак эластик типидagi	Йирик калибрли	0,57±0,02	0,51±0,03	0,031±0,07	0,033±0,01	0,047±0,03	0,044±0,003
	Ўрта калибрли	0,41±0,05	0,32±0,03	0,027±0,006	0,031±0,006	0,045±0,05	0,057±0,05
	Майда калибрли	0,32±0,08	0,30±0,06	0,034±0,02	0,030±0,02	0,039±0,08	0,086±0,09
Мушак типидagi	Йирик калибрли	0,26±0,03	0,17±0,09	0,035±0,07	0,019±0,07*	0,032±0,07	0,032±0,006
	Ўрта калибрли	0,20±0,06	0,15±0,06	0,017±0,03	0,015±0,006	0,014±0,09	0,0141±0,06
	Майда калибрли	0,13±0,03	0,07±0,03	0,014±0,02	0,012±0,01	0,009±0,001	0,136±0,003

ва 1:0,7 га тенг бўлди. Мушак типидagi ўрта калабирдаги ўпка артерияларида бу нисбатнинг адвентиция қалинлиги устунлиги билан 1:1,3 га ўзгариши кузатилди.

Шундай қилиб олинган маълумотларнинг таҳлили шуни кўрсатдики, ўпка аъзо ичи артериялари мушак эластик ва мушак типидagi артерияларни қайд этиш мумкин. Ўпка ичи артерияларда тўлиқ шаклланган ўрта қаватнинг эластик мембранаси, ички ва нозик ташқи эластик мембрана бўлганлиги сабабли мушак эластик типидagi артериялар деб ҳисоблашимиз ўринли бўлди. Мушак эластик артерияларнинг мушакли артерияларга давом этишида адвентиция томонидан кўшимча мушак қаватнинг пайдо бўлиши аниқланди. Бу мушак қавати артерия деворини алоҳида спиралсимон толалар каби ўраб олади. Бунинг натижасида, артериянинг ўрта қаватининг ўлчами қалинлашади. Бунинг натижасида эса Керног индекси ўзгаради.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Бродская Т.А., Невзорова В.А., Гельцер Б.И. и др. Дисфункция эндотелия и болезни органов дыхания // Тер.архив. - 2007. - Т. 79, №3. - С. 76-84.
2. Внутритрубное развитие человека: Руководство для врачей. Под ред. А. П. Милованова и С. В. Савельева. М., изд. МДВ, 2006.
3. Лещенко И.В., Овчаренко С.И., Шмелев Е.И. Хроническая обструктивная болезнь легких: практ. Руквод. для врачей [под ред. А.Г. Чучалина]. - М., 2004. - 62 с.
4. Сравнительная морфофункциональная характеристика легочных артерий при бронхиальной астме и хронической обструктивной болезни легких / Л.М. Михалева, А.Л. Черняев, М.В. Самсонова, А.В. Быкалова // Морфология, 2004. – № 4. – С.
5. Скворцова НВ, Коптев ВД, Поспелова ТИ. Морфофункциональные изменения периферических артерий у больных лимфомой Ходжкина на различных этапах развития заболевания. Бюллетень ВСНЦ СО РАМН. 2011;79(3):109–113.
6. Трушель Н. А., Пивченко П. Г. и Мельников И. А. Особенности строения стенки сосудов артериального русла большого мозга в области бифуркаций у людей различного возраста. Морфология, 2012, т. 142, вып. 5, с. 39–43.
7. Pospelova TI. Morphofunctional changes of peripheral arteries in patients with Hodgkin’s lymphoma at different stages. Bulletin VSSC of the RAMS. 2011;79(3):109–113.
Материаллар ва тадқиқот усуллари. СамМИ №1 клиникасининг гинекология бўлимида менопауза давридаги 41-52 ёшли 80 аёл текширилди. Барча беморлар кузатув ва таққослаш гуруҳларига бўлинган. 1-гуруҳ (40 бемор) - бачадон миомаси ва климактерик синдром билан касалланган беморлар - кейинчалик иккита кичик гуруҳга бўлинган. А гуруҳи - терапевтик премедикация сифатида стандарт терапия билан биргалликда 5 кун давомида кунига 2 марта перорал климадинон ва грандаксин билан терапевтик премедикация ўтказилган беморлар. Бу кичик гуруҳдаги барча аёллар ушбу дориларга қарши кўрсатмалар бўлмаган, даволаниш ҳақида хабардор бўлиб, бунга ёзма равишда розилик бердилар.

Эстроген терапияси операциядан кейинги даврда касалхонадан чиққунга қадар давом эттирилди ва йил давомида юқорида кўрсатилган дозаларда амбулатория шароитида тавсия этилди (Халқаро Менопауз Кўмитасининг кўрсатмаларига биноан). Б кичик гуруҳига климактерик синдромга чалинган 20 нафар аёл кирган, улар одатдаги анъанавий премедикация ва операциядан кейинги терапияни олганлар. Беморларнинг 2-гуруҳига (40 бемор) физиологик климактерик давридаги (ФКД) ва бачадон миомаси (БМ) бўлган беморлар киритилган. Тадқиқотлар операциядан 5-7 кун олдин, асосан клиникада (80%) тиббий даволанишни тайинлаш пайтида, операциядан олдин, шунингдек, беморлар 7-8-кун касалхонадан чиқарилгандан сўнг ўтказилди. Стандарт премедикацияга антигипертензив ва седативлар дорилар киритилган. Беморни операция хонасига олиб боришдан олдин промедол 1% - 1 мл, димедрол 1%-1 мл ва атропин 0,1% - 0,5 мл мушак ичига юборилди. Иккала гуруҳдаги беморларга бир хил операция, ўпка сунъий вентиляцияси ва тотал миоплегия билан умумий

1 жадвал.

Пременопаузада бачадон миомаси бўлган беморларда гормонлар миқдори.

Беморлар гуруҳи	ФСГ (МЕ/Л)	ФГ (МЕ/Л)	Э (Пмол/л)
1. БМ + КС	23,81±4,63	15,28±2,01	145,13±14,25
2.БМ + ФКД	14,23±1,16	10,01±0,39	212,09±37,11
p	p2,3<0,05	p2,3<0,05	p2,3<0,05

Изоҳ: БМ - бачадон миомаси; КС - климактерик синдром; ФКД - физиологик климактерик давр; ФСГ - гипофиз фолликуласини стимуляция қилувчи гормон; ЛГ - гипофиз лютеинизация қилувчи гормон; Э - эстрадиол; МЕ / Л - литрдаги халқаро бирликлар; ПМол / Л - литрдаги пикомол.

комбинацияланган анестезия фонида бачадон суправагинал ампутацияси ўтказилди. Кетамин қон айланишининг гипердинамик реакцияларини ва уларга мос келадиган дориларни юбориб бошқариш билан тана вазнига 4-6 мг/кг дозада умумий анестезия учун асосий восита сифатида ишлатилди.

Климактерик синдром билан касалланган беморларни кузатиш жараёнида климактерик синдром ва айниқса терапевтик таъсирини кузатиш мақсадида турли шкала ва тестлардан фойдаланилди. Ушбу усуллар ёрдамида климактерик синдромнинг барча хусусиятларини жумладан, нейровегетатив, эндокрин ва психоэмоционал ўзгаришлар ҳақида маълумот олиш мумкин. Метаболик эндокрин ва психоэмоционал 1-7 балл оралиғидаги бузилишлар - енгил даража; 8-14 балл – ўрта даража; 14 баллдан юқори - оғир даража. Хотира ҳолати 10 та сўзни ёд олиш орқали ўрганилди [14]. Бу хотиранинг динамикасини баҳолашга имкон берди - қисқа муддатли хотира (биринчи ўринишдан кейинги сўзлар сони), ёдлаш самарадорлиги ҳақида (10 марта такрорлангандан кейинги жами сўзлар сони), узок муддатли хотира (30 дақиқадан сўнг ижро этилган сўзлар сони).

Фикрлаш Равенна тестини тақдим этиш орқали ўрганилди [14,15], бу фикрлаш мантиғини, фаол эътиборнинг жамланмасини, унинг тақсимланишини, шунингдек, тизимлаштирилган, режалаштирилган интеллектуал фаолият қобилятини ўрганишга имкон берди. Дикқатни ўрганиш учун Шульте жадвалларидан фойдаланилди.[14, 15], бу дикқатнинг миқдорини, қарашнинг тахминий қидирув ҳаракатларининг тезлигини, асосий нерв хужайраларининг ҳаракатчанлигини (қўзғалиш ва тормозланиш) ва мия ярим шарларининг хусусиятларини ифодолашга имкон берди. Тажрибалар ҳар бир бемор учун стандарт шароитларда ўтказилди: тинч, ёруғ хона, оғриқ, шовқин стимуллари ва бошқа чалғитувчи омиллар таъсирсиз амалга оширилди. Марказий гемодинамика электрокардиография ва эхокардиография билан текширилди Бундан ташқари, бир қатор нисбий гемодинамик кўрсаткичлар ҳисоблаб чиқилган: систолик ва диастолик артериал қон босими, пулс, ўртача динамик (АД сист., диаст., пулс., ўртача), юрак уриш сони (ЮУС), юракнинг зарб ҳажми (ЗХ), қоннинг бир дақиқалик ҳажми (ҚДХ), юрак индекси (ЮИ), умумий периферик қон томир қаршилиги (УҚТК) кўрсаткичлар ўрганилди. Олинган натижаларни статистик қайта ишлаш Микрософт Экзел электрон жадваллари учун статистик дастурий таъминот тўплами ёрдамида амалга оширилди. Тафовутлар $p < 0,05$ да муҳим деб ҳисобланди.

Олинган натижалар ва муҳокамаси. Бачадон миомасидан азият чекадиган турли гуруҳдаги беморларда жинсий ва гонадотропик гормонлар концентрациясини ўрганаётганда, нормал менапауза даври бўлган аёлларга қараганда менапауза синдроми бўлган беморларда ФСГ даражаси юқори бўлганлиги, (23,8 МЕ /Л га нисбатан 14,2 МЕ/Л). ЛГ даражасидаги фарқлар унчалик катта бўлмаган (15МЕ/Л га нисбатан 10 МЕ/Л) фарқлар аниқланди. Эстрадиол даражасининг пасайиши бачадон миомаси ва унга ҳамроҳ климактерик синдром билан оғриган беморларда катта аҳамиятга эга эканлиги аниқланди. Климактерик даврнинг клиник курсига қараб, ҳам этиологик, ҳам патогенетик жиҳатдан асосланиб, терапевтик премедикация схемасида эстрадиол ўрнини босувчи гормонал терапиядан фойдаланишга тўғри келди. Лекин баъзи беморлар гормон ўрнини босувчи гормонал терапиядан фойдаланиш истаги бўлмаслиги ва қарши кўрсатмаларнинг мавжудлиги фитоэстрогенлардан фойдаланишга имкон яратди. Деярли барча беморларда премедикациядан олдин текширувларнинг биринчи этапида хотиранинг сустлиги, фикрлаш ва дикқатнинг бузилиши, юқори даражадаги хавотирлик аниқланди. Узок муддатли хотиранинг ва ёдлаш самарадорлигининг сезиларли даражада пасайиши кузатилди. Беморлар 10 дақиқа давомида 8 сўздан кўп бўлмаган сўзларни ёд олдилар.

Гемодинамик тадқиқотларни таҳлилида шу нарса аниқ бўлдики, патологик климакс билан касалланган бачадон миомаси бор бўлган беморлар даволовчи премедикациядан олдин гипертоник-гиподинамик диссоциациядан(63.4%) ва гипертензиядан азият чекишганлиги маълум бўлди. Гемодинамик силжишларни ҳисобга олган ҳолда фитоэстроген ва транквилизатор билан терапевтик премедикация пайтида марказий гемодинамик кўрсаткичлар жум-

2 жадвал.

Бачадон миомаси ва ҳамроҳ климактерик синдроми бўлган беморларни операциядан олдинги тайёргарлиги натижасида марказий гемодинамик кўрсаткичларининг ўзгариши.

Кўрсаткичлар	Гуруҳ ва кичик гуруҳлар	Шифохонага келгандаги	Премедикациянинг 5-7 кундан сўнг	P
АҚБсис. мм.сим.уст.	1a	150,5±2,4	130.2±2.1	<0.001
	1b	150,8±3,1	146.3±3.2	>0.05
	2	142.2±2.2	142.2±2.4	>0.05
АҚБдиас. мм.сим.уст.	1 a	90.3±1.6	80.1±1.6	<0.05
	1 b	90.1±1.3	84.0±2.0	>0.05
	2	87.1±1.9	80.0±2.3	<0.01
АҚБпульс мм.сим.уст.	1a	60.2±1.9	50.1±1.6	<0.05
	1b	60.7±1.3	52.5±1.1	>0.05
	2	57.1±1.9	59.2±1.8	<0.01
АҚБ ўрт. мм.сим.уст.	1a	110.4±2.4	96.4±1.6	<0.05
	1b	110.1±3.1	101.3±2.0	>0.05
	2	106.1±1.9	99.8±2.3	<0.05
ЮУС дақ.	1a	76.1±2.9	72.0±1.2	>0.05
	1b	76.4±2.1	76.4±2.0	>0.01
	2	74.2±1.3	76.3±2.2	>0.05
ЗХ ml	1a	66.7±2.4	65.6±1.6	>0.05
	1b	66.3±3.2	65.3±2.3	>0.05
	2	67.1±1.6	67.1±1.6	>0.05
ЗИ ml/m ²	1a	32.2±0.1	31.6±0.9	>0.05
	1b	32.1±0.9	31.7±0.1	>0.05
	2	32.1±0.7	31,8±1.1	>0.05
ДҚХ l/дақ	1a	5.0±0.1	4.7±0.1	>0.05
	1b	5.0±0.1	4.9±0.1	>0.05
	2	5.0±0.1	5.1±0.1	>0.05
ЮИ l/дақ/m ²	1a	2.4±0.3	2.2±0.1	>0.05
	1b	2.4±0.2	2.4±0.1	>0.05
	2	2.4±0.2	2.4±0.1	>0.05
УПҚТҚ дин/с/ см2	1a	1759.3±42.1	1626±38.1	<0.05
	1b	1599.6±32.9	1518±32.6	>0.05
	2	1584.2±37.1	1616.2±41.7	>0.05
АПҚТҚ дин/с/см ²	1a	4486.1±54.6	4094.1±34.2	<0.05
	1b	4493.2±49.1	4374.2±53.4	>0.05
	2	4032.4±32.3	4176.2±43.2	>0.05

ладан, гипертоник гиподинамик диссоциацияланишнинг частотаси 24,7% гача, ажратилган гипертензия - 12,0% гача 1А кичик гуруҳида 31,2%, таққослаш кичик гуруҳида эса мос равишда 31,2% дан 17,6% гача пасайиш кузатилди. 1 Б кичик гуруҳида 30,3% пасайиш кузатилди. Ҳар икки усулда ҳам яъни гемодинамиканинг турини ҳисобга олган ҳолда операциядан олдинги даволаш ва терапевтик премедикация гипотензив ҳолатни пасайтирмади. Бундан ташқари, биринчи кичик гуруҳда унинг частотаси камроқ ошиши аниқланди (3,6% гача), иккинчи кичик гуруҳда унинг ўсиши 8,6% гача. Иккинчи кичик гуруҳга нисбатан, (мос равишда 2,3 ва 3,3%) даволаш натижасида изоляция қилинган гиподинамия билан касалланиш камайди. Биринчи кичик гуруҳдаги гипотензив гипердинамик диссоциация фақатгина 3,6% да сақланиб қолди, бунга солиштирма кичик гуруҳда эришиб бўлмади, бу ерда 8,6% гача ўсиш қайд этилди.

Шуни таъкидлаш керакки, климактерик синдромнинг оғирлиги нафақат қон босимининг қийматида, балки ЮИ ва УҚҚ даги селектив ўзгаришларда ҳам акс этади. Климактерик синдромда гемодинамик бузилишларнинг ривожланиши гипертензив ҳолатга тўғридан-тўғри пропорционалдир (УҚҚ ўсиши, барқарор ЮИ билан) ва гипертоник гиподинамия диссоциация (бир вақтнинг ўзида ЮИ пасайиши билан УҚҚ ўсишининг прогрессияси). Мак-

рогемодинамик ўзгаришларни тавсия этилган барқарорлаштириш тизимида қўллаш, шунингдек, гипострогенемияни меъёрлаштириш, марказий гемодинамик кўрсаткичларни тезроқ нормаллашишига ёрдам беради. Натижада, бу гемодинамик беқарорлик шунингдек гипертоник кризлар ва аритмияларни камайишига олиб келади.

Хулоса. Ҳамроҳ климактерик синдромли беморларни операциядан олдин тайёрлаш самарадорлигини баҳолашда, терапевтик премедикациянинг таркибий қисми сифатида 5-7 кун давомида фойдаланилган климадион ва грандаксиндан кунига 2 марта фойдаланиш, ҳам психоэмоционал, ҳам гемодинамик афзалликларга эга эканлигини кўриш мумкин. Муайян гормонал ва седатив таъсир, ҳамда эстроген терапияси психоэмоционал бузилишларни барқарорлаштиришга, шунингдек юрак-қон томир фаолиятини нормаллаштиришга ёрдам беради. Буларнинг барчаси операцияни силлиқ кечишига ва операциядан кейинги асоратларни камайишига олиб келади.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Вихляева Е. М. Климактерический синдром. В кн.: Вихляева Е. М. (ред.) Руководство по эндокринной гинекологии. М.: МИА; 2008. 603—650.
2. Горбаченков А. А., Буткевич Н. М. Заместительная гормональная терапия при сердечно сосудистых заболеваниях у женщин. Пособие для врачей. М.: Медицина; 2011.
3. Кулаков В. И., Селезнёва Н. Д., Краснопольский В. И. Оперативная гинекология. М.: Медицина; 2014.
4. Кулаков В. И., Серов В. Н., Абубакирова А. М. и соавт. Анестезия и реанимация в акушерстве и гинекологии. М.: Трида X; 2011.
5. Мельниченко Г. А., Чазова Т. Е. Особенности заместительной гормональной терапии у женщин с эндокринными заболеваниями. Рус. мед. журн. 2012; 8: 764—767.
6. Нехотина И. В. Предоперационный период. В кн.: Долина О. А. (ред.) Анестезиология и реаниматология. М.: Медицина; 2014. 194—200.
7. Осипова Н. А. Подготовка больного к анестезии и операции. В кн.: Бунатян А. А. (ред.) Руководство по анестезиологии. М.: Медицина; 2013. 116—143.
8. Сметник В. П., Ткаченко Н. М., Глезер Г. А., Москаленко Н. П. Климактерический синдром. М.: Медицина; 2009.
9. Тювина Н. А. Психические нарушения у женщин в период климакса. Журн. невропатологии и психиатрии им. С. С. Корсакова 2013; 91 (2): 96—100.
10. Щеглова И. Ю. Психические расстройства в акушерско гинекологической клинике Соц. и клинич. психиатрия 2014; 4 (3): 26—29.
11. Barratt:Connor E., Wingard D., Criqui M. Postmenopausal estrogen use and heart disease risk factories in 1980s. Amer. Med. Ass. 2012; 261 (14): 2095—2100.
12. Rudolf I., Zimmermann T., Kaminsky K. et al. Changes in psychic and somatic wellbeing and cognitive capabilities of peri and post menopausal women after the use of hormone replacement drug contain ing estradiol valerate and levonorgestrel. Methods Find. Exp. Clin. Pharmacol. 2013; 22 (1): 51—56.

СУРУНКАЛИ РИНОСИНУСИТ БИЛАН ОҒРИГАН БЕМОРЛАРДА ЭНДОСКОПИК ЖАРРОҲЛИК АМАЛИЁТИДАН СЎНГ ФАГОЦИТОЗНИ НЕЙТРОФИЛ БЎҒИНИ КЎРСАТГИЧЛАРИНИ БАҲОЛАШ**Н. Ж. Хушвакова, У. М. Бурханов**

Самарқанд Давлат тиббиёт институти, Самарқанд, Ўзбекистон

Таянч сўзлар: эндоскопия, риносинусит, пастинтенсивли лазертерапия, нейтрофил кўрсаткич.**Ключевые слова:** эндоскопия, риносинусит, низкоинтенсивная лазертерапия, нейтрофильный показатель.**Key words:** endoscopy, rhinosinusitis, low-intensity laser therapy, neutrophil indicator.

Кейинги йилларда ЛОР – аъзолари касалликлари таркибида сурункали риносинуситлар кўрсаткичининг сезиларли даражада ўсиши кузатилмоқда. Риносинуситнинг сурункали шакллари, бурун ва бурун ёндош бўшлиқларининг бирмунча кенг тарқалган ва тез-тез қайталанувчи касалликларидан саналиб, уларнинг табиати ва ривожланиш механизми ҳанузгача тўлиқ ўрганилмаган. Ишнинг мақсади риносинуситнинг сурункали шакллари билан оғриган беморларда фагоцитознинг нейтрофил бўғини асосий кўрсаткичларини ўрганишдан иборат бўлди. Барча беморларда жарроҳлик амалиёти ўтказилиб оператив даводан сўнг эндоназал пастинтенсивли лазертерапия қўлланилганда қайта тикланиш кузатилди. Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, оператив даводан сўнг эндоназал пастинтенсивли лазертерапияни қўллаш анъанавий даводан бир мунча самарали натижаларни кўрсатди.

ОЦЕНКА ПОКАЗАТЕЛЕЙ НЕЙТРОФИЛЬНОГО ЗВЕНА ФАГОЦИТОЗА У БОЛЬНЫХ ХРОНИЧЕСКИМИ ФОРМАМИ РИНОСИНУСИТА ПОСЛЕ ЭНДОСКОПИЧЕСКИХ ОПЕРАЦИЙ**Н. Ж. Хушвакова, У. М. Бурханов**

Самаркандский Государственный медицинский институт, Самарканд, Узбекистан

В последние годы отмечается существенный рост хронических риносинуситов (ХРС) в структуре заболеваний ЛОР - органов. Хронические формы риносинусита являются одним из наиболее распространенных и часто рецидивирующих заболеваний носа и околоносовых пазух, природа и механизм которых окончательно не выяснены. Целью работы является изучение основных показателей нейтрофильного звена фагоцитоза у больных хроническими формами риносинусита. Всем пациентам после оперативного периода была применена эндоназальная низкоинтенсивная лазеротерапия и у всех наблюдалась восстановление. В заключение следует отметить, что использование эндоназальной низкоинтенсивную лазерное терапию после хирургического лечения показало некоторые эффективные результаты по сравнению с традиционным лечением.

EVALUATION OF PHAGOCYTOSIS NEUTROPHILIC LINK INDICATORS IN PATIENTS WITH CHRONIC FORMS OF RHINOSINUSITIS AFTER ENDOSCOPIC OPERATIONS**N. J. Khushvakova, U. M. Burkhanov**

Samarkand state medical institute, Samarkand, Uzbekistan

In recent years, there has been a significant increase in chronic rhinosinusitis (CRS) in the structure of diseases of the ENT organs. Chronic forms of rhinosinusitis are one of the most common and often recurrent diseases of the nose and paranasal sinuses, the nature and mechanism of which have not been fully understood. The aim of this work is to study the main indicators of the neutrophilic link in phagocytosis in patients with chronic forms of rhinosinusitis. After the operative period, all patients underwent endonasal low-intensity laser therapy and recovery was observed in all patients. In conclusion, it should be noted that the use of endonasal low-intensity laser therapy after surgical treatment has shown some effective results compared with traditional treatment.

Долзарблиги: Кейинги йилларда ЛОР – аъзолари касалликлари таркибида сурункали риносинуситлар (СР) кўрсаткичининг сезиларли даражада ўсиши кузатилмоқда.

Риносинуситнинг сурункали шакллари, бурун ва бурун ёндош бўшлиқларининг бирмунча кенг тарқалган ва тез-тез қайталанувчи касалликларидан саналиб, уларнинг табиати ва ривожланиш механизми ҳанузгача тўлиқ ўрганилмаган. Бурун ёндош бўшлиқларида сурункали яллиғланиш жараёни ривожланишига олиб келувчи сабаблар, энг кўп ҳолларда кўйидагилар саналади: инфекция, аллергия, шиллиқ қаватни маҳаллий шикастланишлари, шунингдек локал анатомик сабаблар.

Сурункали риносинуситларни ривожланиш патогенезида бурун ёндош бўшлиқлари табиий тешиқларининг ўлчами ва функционал ҳолати, арахидон кислота метаболизмининг

бузилишлари ва ностероид яллиғланишга қарши воситаларни кўтара олмаслик, шунингдек иммунологик механизм бузилишлари муҳим ўрин тутди.

Сурункали риносинуситлар беморлар ҳаёт сифатини сезиларли даражада пасайишига олиб келади. Кейинги йилларда, сурункали риносинуситларни жарроҳлик усули билан даволашда, функционал эндоскопик ва микроскопик жарроҳлик тамойилларини қўлловчи жарроҳликнинг авайловчи ёндошуви шаклланган бўлиб, унинг мақсади бўшлиқларнинг нормал вентиляцияси ва дренажини тиклаш саналади.

Сурункали риносинуситларнинг тарқалганлиги, тез-тез авж олиб туришга мойиллиги, жарроҳлик даволашдан сўнг рецидивланиши, шунингдек беморларнинг ҳаёт сифатига сезиларли даражада таъсир кўрсатишини ҳисобга олган ҳолда айтиш мумкинки, функционал эндоскопик риносинусохирургиянинг самарадор усуллари ишлаб чиқиш отоларингологиянинг энг долзарб муаммоларидан бири ҳисобланади.

Беморларда жарроҳлик ва терапевтик ёрдам кўрсатишда лазердан фойдаланиш оториноларингология соҳасида ижобий натижаларга эришилмоқда. Лазер тиббиётини хусусан, оториноларингологияда янада ривожлантиришда замонавий лазер асбоблари ёрдамида даволашнинг янги усуллари излаш зарурлигини тақозо этди. Шу сабабли пастинтенсивли лазертерапия бошқа усулларга нисбатан тўқималар ва шиллик қаватларда авайловчи ёндашув усуллари билан бири бўлиб ҳисобланиб келинмоқда.

Сурункали риносинуситларни ривожланишига мойиллик яратувчи омиллар ичида, номутаносиб иммун жавоб келтириб чиқарувчи микроблар, вируслар ва замбуруғ агентларидан иборат ташқи факторлар, ва организм индивидуал реактивлиги ва генетик мойилликни назарда тутувчи ички омиллар фарқланади. Иммун тизимнинг ҳолати нафақат ўткир яллиғланиш патогенезида, балки рецидивлар ва жараён сурункалашувида ҳам муҳим ўрин тутди. Шу нарса исботланганки, периферик мослашувчи тизимлар функционал ҳолати пайсайдангина, эпителиал хужайраларга патоген инвазиясининг биринчи босқичи амалга ошади. Бундай тизимлардан бири организм иммун ҳимоясининг нейтрофилли бўғини ҳисобланади ва шундан кейингина, цитотоксик Т-лимфоцитлар ва специфик антителолар, шунингдек секретор IgA иштироки билан амалга ошувчи, тизимли мослашувчи иммунитетнинг фаоллашуви юзага келади ва бу жараённинг кейинги босқичи саналади. Шунинг учун нейтрофиллар иштироки билан амалга ошувчи ҳимоянинг биринчи чизиғи, антиген элиминациясининг ривожланиши ва тугалланишида энг асосий ўрин тутди.

Илмий изланиш мақсади риносинуситнинг сурункали шакллари билан оғриган беморларда фагоцитознинг нейтрофил бўғини асосий кўрсаткичларини ўрганиш саналади.

Текширув усуллари ва манбалари. Сурункали риносинусит билан оғриган 20-55 ёшдаги 52 нафар бемор текширилди. Беморлар, 2018 йилдан 2020 йилгача бўлган муддатда, СамМИ клиникаси ЛОР бўлимида ва «Saodat medical» тиббиёт марказида даволанишган. Беморларнинг ўртача ёши $31,5 \pm 15,4$ ни ташкил этди. Назорат гуруҳи сифатида 30 нафар соғлом кишилар олинди. 10 нафар бемор (23,8%) - Сурункали гайморит, кистоз шакли; 12 нафар бемор (28,6%) – полипоз гемисинусит; 1 нафар бемор (2,3%) – сурункали фронтит, кистоз шакли; 1 нафар бемор (2,3%) - сурункали фронтит, йирингли шакли диагнози билан даволанган. Беморларнинг 18 нафарида (42,8%) - бўшлиқларнинг икки томонлама зарарланиши аниқланди. Барча беморларда жарроҳлик амалиёти ўтказилиб операциядан сўнгги даврда эндонозал пастинтенсивли лазертерапия қўлланилди. Беморлар операциядан кейинги даврда куйидаги даво муолажаларини қабул қилишди: антибактериал терапия (цефтриаксон), топик глюкокортикостероидлар (мометазона фураат), бурун бўшлиғини изотоник тузли эритмалар билан чайиш. Даво муолажалар бошлангунга қадар периферик қондаги лейкоцитлар ва нейтрофилларнинг абсолют кўрсаткичлари баҳоланди. Даво муолажалар бошлангунга қадар ва беморларга стационардан жавоб бериш вақтида, кислородга боғлиқ метаболизмни баҳолаш учун, мақсадли гепаринизация қилинган қонни спонтан хемилюминесценцияли (ХЛ) баҳолаш усули қўлланилди.

5,0 мл ҳажмдаги веноз қон пластик пробиркага гепарин билан бирга олинади (100 ЕД/

мл ҳисобида). Люминол эритмаси диметилсульфоксидда тайёрланади (ДМСО) – бунда 10 мл диметилсульфоксидга 17,7 мг люминол тўғри келади. Текширувдан аввал 10 мл стерил физиологик эритма ва 0,01 мл люминолдан иборат бўлган люминолнинг ишчи эритмаси тайёрлаб олинади; эритма қўллашдан аввал термостатда 37°C ҳароратда иситилади. Кейин 2 мл ишчи эритмага 100 мкл гепаринизацияланган қон қўшилади. Спонтан ХЛланган қоннинг нурли йиғмаси ўлчаш, қонни ХЛМ-003 хемилюминометрига олгандан сўнг қуйидаги тартибда амалга оширилади: текшириш вақти 10 минут, термостатлаш кюветаси- 37°C. Қонни кейинги сақлаш ҳарорати 18-25°C ни ташкил қилиши керак. Орадан 4 соат ўтгач, қайта суспензиялаш орқали аралаштирилади, шундан сўнг спонтан ХЛ нурли йиғмаси ўлчаш амалга оширилади.

Адабиёт маълумотларига кўра, гуморал эндоген биологик фаол моддаларнинг ўзаро таъсири, нейтрофилларнинг захира пули, пара- аутокрин ҳужайраларни ўзаро таъсирлари, қон ивиш тизимининг активацияси ҳисобига, спонтан ХЛ кинетикаси ўзгаришлари юзага келади.

Маълумотларни статистик қайта ишлаш персонал компьютерда Statistica 6,0 дастури ёрдамида амалга оширилди. Олинган текширув натижаларини қайта ишлашда статистиканинг параметрик ва нопараметрик усуллари қўлланилди. Статистик қайта ишлаш усули таҳлил қилинаётган танланма турига кўра белгилаб олинди. Бир-бирига боғлиқ бўлмаган иккита танланмани солиштириш учун Манна-Уитни ва Колмогоров-Смирнов мезонлари қўлланилди. Иккита бир-бирига боғлиқ танланмани солиштириш учун (давогача ва кейин) эса Вилкоксон мезонидан фойдаланилди. Корреляцион таҳлил ёрдамида кўрсаткичлар ўртасидаги алоқа Спирман усули ёрдамида баҳоланди.

Натижалар ва уларнинг таҳлили. Даволашнинг клиник натижаларига кўра беморлар 2-гурухга ажратилди: 45 кишида тўлиқ клиник соғайиш; 7 кишида эса - даволашнинг 12 ҳафтаси мобайнида касаллик белгиларининг тўлиқ йўқолмаслиги, яъни жараённи сурункалашуви кузатилди. Текширув натижалари 1-жадвалда келтирилган.

1-гурухдаги беморларда стационарга келиб тушган вақтдаги лейкоцитлар миқдорини баҳолаш, назорат гуруҳига нисбатан лейкоцитлар ва нейтрофилларнинг бирмунча юқори статистик кўрсаткичларини (р иккала ҳолатда ҳам 0,00001 ни ташкил этди), шунингдек қоннинг спонтан ХЛ кўрсаткичи натижаларини (р=0,007) тасдиқлаб берди (1 жадвал). Беморларда даволанишдан сўнг спонтан ХЛ кўрсаткичлари статистик ишончли пасайиши кузатилди (р=0,037). Лейкоцитлар ва нейтрофиллар миқдори тўғрисидаги маълумотлар, организмда пиоген инфекция ривожланишига нисбатан фагоцитознинг нейтрофил бўғини томонидан адекват реакцияни, шунингдек ўтказилаётган терапиянинг адекватлигини ҳам намоён этиб беради (спонтан ХЛ кўрсаткичларининг пасайиши).

Риносинуситнинг сурункалашуви билан бўлган беморлар гуруҳида (n=7) стационарга келиб тушган вақтдаги лейкоцитлар ва нейтрофилларнинг миқдорий, ҳамда функционал (ХЛ) таркиби кўрсаткичлари назорат гуруҳидаги кўрсаткичлардан фарқ қилмади. Айтиб ўтилган кўрсаткичлар биринчи гуруҳ билан таққосланганда, қондаги умумий лейкоцитлар

1 жадвал.

Риносинуситнинг сурункали шакллари билан оғриган беморларда фагоцитознинг нейтрофил бўғини функционал кўрсаткичлари.

Кўрсаткич	Назорат гуруҳи (n=30) (Me[LQ-UQ])	I гуруҳ (Me[LQ-UQ]) (n=45)		II гуруҳ (Me[LQ-UQ]) (n=7)	
		давогача	даводан сўнг	давогача	даводан сўнг
Спонтан хемилюминесценция, ш.б.	2,185 (1,43-3,59)	4,27 (1,86-11,17)	2,51 (1,53-7,8)	1,55 (0,73-3,82)	3,8 (1,86-5,04)
Лейкоцитлар	5,5 (4,7-6,8)	7,9 (6,95-10,0)		5,95 (4,5-9,15)	
Нейтрофиллар	3,05 (2,8-3,95)	5,3 (4,46-7,22)		3,73 (2,5-5,49)	

ва нейтрофилларнинг (кўрсаткичлар Вальд-Вольфовиц мезони бўйича таққосланганда $p=0,01$) ва спонтан ХЛ (Манна-Уитни мезони бўйича таққосланганда $p=0,034$) нинг бирмунча паст статистик белгиларга эга эканлигини кўрсатиб берди. Олинган маълумотлар шундан далолат берадики, ушбу тоифа беморларда сурункали риносинуситнинг авж олиши аниқланган бўлсада, фагоцитознинг нейтрофил бўғини нофаоллигича қолаверади. Аини ҳолатни фагоцитар хужайраларнинг ўзида юзага келган функционал бузилишлар, шунингдек кон зардобиди гуморал фаоллик етишмовчилиги ёки супрессор омилларнинг ортиқча эканлиги оқибатида юзага келган нейтрофиллар деактивацияси дея баҳолаш мумкин.

Иккинчи гуруҳдаги беморларда даволашдан кейинги фагоцитоз мезонларини аввалги кўрсаткичлар билан солиштирилганда, ҳеч қанақа статистик аҳамиятга эга бўлган.

Хулоса. Шундай қилиб, касалликни яхши сифатли ва сурункали кечадиган бўлган беморларда фагоцитознинг нейтрофилли бўғинини тавсифловчи кўрсаткичлар таққосланганда, йирингли инфекцияга нисбатан нейтрофилларнинг турлича реакцияси аниқланди. Бу эса касалликни яхши сифатли оқибати кузатилган беморлар гуруҳида, фагоцитар хужайраларнинг адекват реакцияси билан характерланади. Стационарга мурожаат қилиб келганда, биринчи гуруҳдаги беморларнинг деярли ярмида қайд этилган ушбу ҳолат, бирор бир иммунокорректив терапиясиз ҳам, оператив даврдан сўнг эндонозал пастинтенсивли лазертерапияни қўллаганимизда қайта тикланиш кузатилди.

Анъанавий даво ўтказилган иккинчи гуруҳ беморларда эса, касалликни салбий оқибати ва адекват фагоцитар реакцияси юзага келмади.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ворожцов А. А., Русанова Е. В., Зенгер В. Г., Мусатенко Л. Ю., Пыхтеева Е.Н., Голубовский Г.А. Microbiological features of the mucous membrane of the upper respiratory tract in patients with polyposis rhinosinusitis // Журн. Российская ринология. - 2005. - № 2.
2. Гурьева, И. А., Кучерова Л. Р., Тараканова Е. Н., Лавренова Г. В., Симбирцев А. С. Comparative comparison of phagocytic activity of neutrophils in patients with acute sinusitis, tubootitis and other forms of sinusitis // Тезисы XVII съезда оториноларингологов России. - Нижний Новгород. - 2006.
3. Лопатин, А. С., Нефедов В. С. Possibilities of endonasal surgery in the treatment of maxillary cysts // Российская ринология. - 2001. - № 2.
4. Пальчун, В. Т., Лапченко А. С., Лапченко А. А., Гуров А. В., Кучеров А. Г. A modern view of antimicrobial photodynamic therapy // Журн. Вестник оториноларингологии. - 2007. - №3.
5. Пискунов, Г. З. Etiology and pathogenesis of inflammation of the nasal mucosa and nasal side cavities // Современная ринология. — Астана, 2002.
6. Пискунов, Г. З., Чучуева Н. Г. Ways to increase the effectiveness of functional endoscopic rhinosinus surgery // Российская ринология. - 2001. - № 2.
7. Плужников, М. С. Interstitial laser distortion in polyposis of the nasal cavity (ЛИТТ)// Журн. Новости оториноларингологии и логопатологии. - 2000. - № 1 (21).
8. Рябова, М. А. Оториноларингология учун лазерли жарроҳлик усуллари ишлаб чиқишда лазер нурланишининг биологик тўқималарга таъсирини ўрганиш аҳамияти // Вестник оториноларингологии - 2008.- № 4.
9. Садовский, В. И., Сухарев А. А., Черныш А. В. The importance of studying the effects of laser radiation on biological tissues in the development of laser surgical methods for otorhinolaryngology // Российская ринология. - 2005. - № 2.
10. Тарасов А. А., Каманин Е. И., Крюков А. И., Страчунский Л. С. Acute bacterial rhinosinusitis: modern approaches to diagnosis and treatment with antibiotics in an outpatient setting // Журн. Вестник оториноларингологии. - 2003. - № 2.
11. Тимчук, Л. Э., Янов Ю. К., Симбирцев А. С. Gene polymorphism of IL-1J3 (+3953) and IL-1RA-regulating inflammatory molecules in the pathogenesis of chronic purulent rhinosinusitis // Российская оториноларингология. Приложение. - 2007.
12. Хушвакова Н.Ж. Болаларда бурун ён бўшлиқларининг яллиғланиш касалликларида магнит лазер терапиясидан фойдаланиш. // Назарий ва Амалий тиббиет муаммолари Бишкек 1998.
13. Mounghthong G., Suwas A., Jaruchida S., Chantaratthada S., Phonphok Y., Rangsinsin R. Prevalence of etiologic bacteria and beta-lactamase-producing bacteria in acute and chronic maxillary sinusitis at Phramong kutklaow // J. Med. Assoc. Thai. - 2005. - № 88 (4).
14. Orendorz-Fraczkowska K., Bochnia M., Dziewiszek W., Stankiewicz M., Smutnicka D. Cefprozil in the treatment of chronic maxillary sinusitis. Clinical and microbiological effectiveness and penetration into sinuses examination // Otolaryngol. Pol. - 2005. - № 59 (4).

МИКРОСТРУКТУРНЫЕ ИЗМЕНЕНИЯ СТЕНКИ ТОНКОЙ КИШКИ И ЕЕ ЛИМФАТИЧЕСКОЕ РУСЛО ПОСЛЕ РЕЗЕКЦИИ ЖЕЛУДКА

К. Ч. Чартаков, Х. Х. Чартакова, Д. К. Чартаков, Ш. Х. Хамрокулов,
А. Н. Кодиров, Н. Л. Тожибоева, М. М. Мадумарова, Ж. Б. Равзатов,
М. О. Хужаков, Д. С. Косимова, А. А. Азимов

Андижанский государственный медицинский институт, Андижан, Узбекистан

Ключевые слова: лимфатическая система, желудок, кишечник, резекция, патология, сосудистая система, нервная система, повреждение, операция.

Таянч сўзлар: лимфа тизими, ошқозон, ичак, резекция, патология, қон томир тизими, асаб тизими, шикастланиш, операция.

Key words: lymphatic system, stomach, intestines, resection, pathology, vascular system, nervous system, injury, operation.

Морфология лимфатического русла кишечника была изучена у 16 экспериментальных собак после резекции 2/3 части желудка. Исследование было проведено на 3, 7, 15, 30, 45, 60, 90, 180 и 360 сутки после резекции желудка. Экспериментальное обследование показало, что диаметр лимфатических капилляров и сосудов расширяются, на стенке капилляров наблюдалось образование различных форм и размеров выростов, также новые анастомозы. Таким образом, изменения в лимфатической системе кишечника, их восстановление и реакции компенсаторного приспособления зависят от методов резекции желудка, которая наступает вслед за острой травмой основных сосудисто-нервных систем желудка.

ИНГИЧКА ИЧАК ДЕВОР ЛИМФА ТОМИРЛАРНИ ОШҚОЗОН РЕЗЕКЦИЯСИДАН СЎНГ МОРФОЛОГИК ЎЗГАРИШЛАР

К. Ч. Чартаков, Х. Х. Чартакова, Д. К. Чартаков, Ш. Х. Хамрокулов, А. Н. Кодиров, Н. Л. Тожибоева,
М. М. Мадумарова, Ж. Б. Равзатов, М. О. Хужаков, Д. С. Косимова, А. А. Азимов

Андижон давлат тиббиёт институти, Андижон, Ўзбекистон

Ичак лимфа тўшагининг морфологияси ошқозоннинг 2/3 қисмини резекция қилгандан сўнг 16 та тажриба итида ўрганилди. Тадқиқот 3, 7, 15, 30, 45, 60, 90, 180 ва ошқозон резекциясидан 360 кун ўтгач амалга оширилди. Экспериментал текширув шуни кўрсатдики, капиллярлар деворида лимфа капиллярлари ва қон томирларнинг диаметри кенгайган, турли шакл ва катталиқдаги ўсиш шаклланганлиги шунингдек янги анастозлар кузатилган. Шундай қилиб, ичак лимфатик тизимидаги ўзгаришлар, уларнинг тикланиши ва кампенсицион мослашув реакцияси ошқозоннинг асосий нейроваскуляр тизимларнинг ўткир шикастланишидан сўнг пайдо бўладиган ошқозонни резекцияси қилиш усуллариға боғлиқ.

COMPARATIVE ESTIMATION OF CHANGES IN LYMPHATIC VESSELS OF SMALL INTESTINAL WALLS AFTER DIFFERENT STOMACH (GASTRIC) RESECTION

K. Ch. Chartaqov, H. X. Chartaqova, D. Q. Chartaqov, Sh. X. Xamrokulov, A. N. Kodirov, N. L. Tojiboeva,
M. M. Madumarova, J. B. Ravzatov, M. O. Xujakov, D. S. Kosimova, A. A. Azimov

Andijan state medical institute, Andijan, Uzbekistan

The morphology of the intestinal lymphatic bed was studied in 16 experimental dogs after resection of 2/3 of the stomach. The study was carried out on 3, 7, 15, 30, 45, 60, 90, 180 and 360 days after gastric resection. Experimental examination showed that the diameter of the lymphatic capillaries and blood vessels expanded, the formation of various shapes and sizes of outgrowths was observed on the wall of the capillaries, as well as new anastomoses. Thus, changes in the intestinal lymphatic system, their recovery and the reaction of compensatory adaptation depend on the methods of gastric resection, which follows an acute trauma of the main neurovascular systems of the stomach.

Введение. Несмотря на наличие большого количества работ, посвященных изучению лимфатической системы тонкой кишки при различных патологических процессах, вопросы влияния резекции желудка в процессе всасывания и транспортировки пищевых ингредиентов изучены недостаточно [1,3]. Резекции желудка, сопровождаются не только удалением значительной части органа, но и повреждением нервов и сосудов. Это несомненно влияет на морфологическое состояние лимфатического русла как самого желудка, так и других органов брюшной полости [2,4,5]. В связи с этим, вопросы патологии лимфатической системы, связанные с повреждением пищеварительного тракта, в частности резекции желудка, остаются весьма актуальными. Из работ отечественных и зарубежных исследователей из-

вестно, что всякое воздействие, в том числе и хирургическое вмешательство на пищеварительную систему, влияет на морфофункциональное состояние данной системы и на её сосудисто-нервные связи, включая лимфатическое русло [2].

Научная новизна работы. Настоящая работа является этапом изучения лимфатической системы желудочно - кишечного тракта в условиях патологии. В результате исследования установлены характер, степень нарушения и восстановления пищеварения (процесс всасывания) после резекции желудка. Выявлена новая, не характерная для лимфатических сосудов толстой кишки функция - всасывать жиры, чем еще раз доказана огромная компенсаторно - приспособительная возможность лимфатической системы.

Цель исследования. Выяснить роль лимфатической системы тонкой кишки в процессе компенсации пищеварения после резекции желудка.

Материалы и методы исследования. Объектом изучения служили 24 беспородных собаки. Из них у 16 животных произведена резекция желудка, по методу Гофмейстера – Финстерера 8 животных служили контролем. Прижизненное изучение лимфатической системы проводилось после лапаротомии методом биологической инъекции по Б.В. Огневу с предварительным кормлением животных специальным завтраком, богатым жирами. В дальнейшем прижизненное изучение лимфатических сосудов производилось при релапаротомии, через 7,15 и 30 суток после резекции желудка. Для изучения структурных изменений лимфатических сосудов тонкой кишки животные забивались через 3, 7, 15 дней, 1, 11/2, 2, 3, 6 мес. и 1 год после резекции желудка. По завершении срока эксперимента животных забивали передозировкой наркотического (гексенал или тиопентал - натрий) вещества. Внутривенные лимфатические сосуды изучала на изолированном отрезке тонкой кишки длиной 12 – 15 см, который брали в 35 - 40 см от двенадцатиперстно – тощекишечной связки. Они заполнялись массой Герота методом интерстициальной инъекции. Затем приготавливали просветленные препараты, которые изучали под бинокулярным микроскопом МБС – 2. Для достоверности полученные результаты исследования были подвергнуты статистической обработке на ЭВМ «ЕС - 1020». Применялись корреляционный анализ, метод группировки с определением достоверности различий в них (t - критерий). За достоверные принимались различия, характеризующиеся $P < 0,005, 0,01, 0,001$. При изучении принимали во внимание внешнюю структуру, ориентацию лимфатических сосудов и их петель, наличие анастомозов и плотность сосудистого рисунка, измеряли диаметр лимфатических капилляров и сосудов, а также выростов и боковых выпячиваний на их стенках.

Результаты исследования и их обсуждение. При лапаротомии на 7 сутки после резекции желудка использование биологического метода с предварительным кормлением собак заполнение хилусом лимфатических сосудов 12 перстной кишки, начального, среднего и конечного отделов тонкой кишки не выявило. Они не контрастировались до конца опыта, т.е спустя 3 – 3,5 часа. Через 15 суток после операции лимфатические сосуды 12 – перстной кишки не заполнялись хилусом и не контрастировались. Но в этом сроке отмечено наполнение хилусом лимфатических сосудов начального и более интенсивное среднего отдела тонкой кишки. Исследование кишечных петель указанных отделов вовремя релапаротомия под микроскопом МБС – 2 обнаружили сеть лимфатических сосудов с расширенным лакунами в местах слияния сосудов, развитии анастомозирующие ветви между ними. Сосудистая сеть состоит из различной формы петель. Лимфатические коллекторы расширены и несколько извиты, имеет анастомозы. Лимфатические узлы (брыжеечные) представляются сочными, рыхлыми, массивными благодаря содержанию хилуса окрашенными в белый цвет. Что касается конечного отдела тонкой кишки, то нами отмечено частичное наполнение лимфатических сосудов начальных этого отдела. Более контрастными представлялось отводящие лимфатические коллекторы брыжейки соответствующих петель кишки. На 30 сутки после резекции желудка лимфатические сосуды 12 – перстной кишки не обнаруживалась, а конечного отдела тонкой кишки выявились слабо и на ограниченном протяжении у брыжеечного края стенки кишки. В этом сроке наблюдалось одинаковое наполнение лимфатических со-

судов и коллекторов начального и среднего отделов тонкой кишки. Они имеют вид густо разветвленной сосудистой сети белого цвета. Между сосудами имеются анастомозы, более развитые на брыжеечном крае кишки. Отводящие коллекторы на брыжейке извитые и повторяют ход кровеносных сосудов. Лимфатические коллекторы и узлы этих отделов хорошо наполнены хилусом и имеют молочно - белую окраску. Изучение просветленных препаратов показало, что на 3 – 7 сутки после резекции желудка происходит расширение капилляров и сосудов с увеличением объема лимфатического русла тонкой кишки. Лимфатические капилляры слизистой оболочки и подслизистой основы образуют мелко петлистую сеть, на их стенках обнаруживаются слепы выросты, лакуны в местах слияния капилляров расширены и нередко деформированы. Такие же изменения со стороны лимфатических сосудов. Благодаря их расширению происходит увеличение диаметра лимфатических сосудов всех порядков, уменьшение расстояния между клапанами (0,25- 0002). В местах слияния сосудов лакуны расширены (0,080x0,050мм $p < 0,002$), как на капиллярах, так и сосудах обнаруживаются боковые выпячивания, (длина 0,068 - 0,0022 мм, $p < 0001$) имеющие то пальцевидную, то булавовидную форму (рис.1). Аналогичные изменения обнаружены со стороны лимфатических капилляров и сосудов, и сосудов мышечного слоя стенки кишки. В отличие от лимфатических сосудов слизистой и подслизистой основы, в мышечном слое как капилляры, так и сосуды внешне представляются менее измененными, выпячивания на их стенке встречаются реже и меньших размеров. Петли лимфатических капилляров более четкой формы, лимфатические сосуды имеют на всем протяжении множественные анастомозы (диаметр 0,035 – 0003мм), контуры которых, как и основных сосудов, более или менее ровные. Лимфатические сосуды подсерозного слоя и серозы по степени своих изменений занимают промежуточное положение между слизистой с подслизистой основой и мышечным слоем. На расширенных лимфатических капиллярах и сосудах отмечается появление боковых расширений и пальцевидных выпячиваний, (длина 0,03- 0,001 мм, $p < 0,001$) увеличение количества и размеров анастомозирующих ветвей между сосудами I, II и III порядков. Однако в отличие от слизистой и подслизистой основы указанные выросты на стенках сосудов встречаются реже, и они меньше деформируют сосудистый рисунок. По сравнению с мышечной оболочкой в разбираемом слое сплетение капилляров и сосудов представляются более обильным, лакуны в местах слияния сосудов, (0,065x0,05мм, $p < 0,001$) особенно капилляров, более расширенными и деформированными. Несмотря на все описываемые изменения сосудистый рисунок сохранен и имеет ориентацию от свободного в сторону брыжеечного края кишки (рис. 1).

На 15 сутки после резекции желудка, как и в предыдущие сроки лимфатические сосуды представляются расширенными (0,032-0,001мм, $p < 0,001$). В отличие от более ранних сроков операции на желудке, в разбираемом сроке отмечается разрастание сосудов со зна-



Рис.1. Лимфатические капилляры и сосуды стенки тонкой кишки собаки через 7 суток после резекции желудка. 1- капилляры, 2 – сосуды, 3 – лакуны, 4 – выросты. (микрофото ув. 16).

чительным увеличением количества слепых выпячиваний на стенке капилляров и сосудов. Одновременно с этим отмечается более мощное развитие окольных ветвей между основными собирательными сосудами. Обилие боковых пальцевидных выпячиваний и анастомозирующих ветвей, которые местами вступают в контакт между собой и с капиллярами, местами создает двухслойность сети лимфатических капилляров (0,03-0,001, $p < 0,001$) слизистой – подслизистого слоя кишечной стенки. Двухслойность на препаратах слизистой и подслизистой основы встречается чаще и занимает более обширные участки, чем в других слоях стенки кишки. Лимфатические сосуды I, II, III порядков нередко имеют извилистый ход и участки варикозного выпячивания, охватывающие то одну, то все стенки сосуда по всей окружности. Они вместе с естественными перехватами соответственно расположения клапанов имеют более выраженную четкообразность строения сосудов, особенно II и III порядков, расположенных в подслизистом и подсерозном слоях стенки кишки. Благодаря обилию меж капиллярных и меж сосудистых анастомозов создается впечатление некоторой беспорядочности архитектоники сосудистого рисунка с нечетко выраженной ориентацией сосудов и направлением лимфатического оттока. Последние в этих условиях приходится определять только по ходу более крупных сосудов III порядка с учетом углубления в них более мелких основных и коллатеральных сосудов. Другой особенностью этого срока операции следует отметить неравномерность сети лимфатических капилляров слизистой с подслизистой основой, серозы с подсерозным слоем и в меньшей степени мышечного слоя стенки тонкой кишки (рис. 2).




Рис. 2. Лимфатические капилляры и сосуды стенки тонкой кишки собаки через 15 суток после резекции желудка. 1 – капилляры, 2 – сосуды, 3 – лакуны, 4 – выросты. (микрофото ув. 16).

Наряду с участками усиленной сосудистой сети, встречаются небольшие по площади участки с нормальной и даже уменьшенной плотностью расположения клапанов (рис.2). Это объясняется усиленным ростом сосудов, благодаря которому происходит соединение двух боковых выростов, исходящих из соседних сосудов. Поскольку не на всех сосудах и не на всем протяжении одного и того же сосуда имеются одинаковые по размеру и количеству боковые выпячивания, то их соединение между собой приводит к неравномерности интенсивности и плотности сосудистого рисунка, возникновению на участках и большим количеством выростов и коммуникационных ветвей двухслойной сети. Изучение просветленных препаратов, приготовленных на 30 сутки после резекции желудка, свидетельствует о том, что продолжается дальнейшая морфологическая перестройка внутриорганного и вне органного лимфатического русла тонкой кишки. Лимфатические сосуды и их анастомозы и лакуны (0,110x0085 мм, $p < 0001$), как и ранее, остаются расширенными, однако степень расширения меньше, чем на 15 сутки после резекции. Это почти в одинаковой мере касается как лимфатических сосудов самой кишки, так и отводящих коллекторов её брыжейки. Более существенными представляются изменения строения внутриорганных лимфатических сосудов (0,035-0,002 мм, $p < 0,001$), особенно слизистой и подслизистого слоя. Сеть лимфатиче-

ских капилляров и сосудов обильна и общий сосудистый рисунок представляется интенсивно развитым. (рис. 3). Боковые выросты на стенках капилляров и сосудов всех порядков более развиты как в длину, так и в своем диаметре, хотя отмечается их количественное уменьшение по сравнению с предыдущим и даже ранними сроками операции на желудке. Одновременно с крупными боковыми выростами имеются мелкие выпячивания одной или нескольких стенок сосуда, напоминающие внешне варикозные расширения. Развитие и расширения боковых выростов между собой вызвано с одной стороны обилием сосудистой сети, а с другой количественным уменьшением пальцевидных выпячиваний, которые в большом количестве были нами отмечены на препаратах кишки в более ранних сроках (15 дней) после резекции желудка. Как особенность этого срока наблюдения после резекции следует отметить, что некоторая часть собирательных сосудов всех слоев стенки тонкой кишки теряют свойственную им внешнюю форму и четкообразность строения. Они представляются вытянутыми и выпрямленными не имеют перехватов в местах локализации клапанов. Поэтому названные лимфатические сосуды внешне напоминают скорее кровеносный сосуд, такая форма строения может наблюдаться на большом протяжении сосудов и вызывать затруднения в дифференцировке. Эти сосуды можно отличить от венозных сосудов по строению истоков и впадающих в них других более мелких лимфатических сосудов.




Рис. 3. Лимфоидная и инфильтрация стромы ворсинок и крипт тонкой кишки после резекции желудка. Шик – реакция, ув (20x10).

Призматические клетки эпителиальной выстилки высокие, с четкой щеточной каёмкой, увеличивается активность щелочной фосфатазы. Крипты укорачиваются и расширяются. В стороне ворсинок и крипт наблюдается обширная лимфоидная инфильтрация.

Таким образом, резекция желудка вызывает терминальное перемещение всасывания пищевых продуктов в кишечнике, которые объясняется снижением пищеварительного потенциала культи желудка. Начало всасывания жиров, придающих лимфатическим сосудам белую окраску, происходит на в 12 – перстной и в начальных петлях тощей кишки, как это наблюдается в норме, а в средних и конечных сегментах тонкой, начального и даже среднего отдела толстой кишки. Патогистологические изменения стенки тонкой кишки, развивающиеся в ранние сроки после резекции желудка, проявляются отеком слизистой оболочки и подслизистой основы, изменением формы и размеров ворсинок и крипт, а также гемоциркуляторными расстройствами (расширение и полнокровие венозных сосудов). В позднем послеоперационном периоде при наличии указанных изменений в стенке кишки развиваются дистрофические процессы, развивающиеся на фоне сосудисто – нервной травмы при резекции желудка.

Использованная литература:

1. Алейник В. и др. Роль лимфатической системы в физиологии пищеварения. «Лимфология» 2009.1-2. с.20.
2. Брехов Е.И. и др. Обоснования способа восстановления непрерывности желудочно-кишечного тракта после резекции желудка. Журнал «Хирургия» 2013, 6 стр.8.
3. Хакимов В.А. Методы коррекции патологических изменений в лимфатической системе.» Лимфология», Андижан 2009, №1,2, с.72-74.
4. Чартақов Қ.Ч, Чартақов Д.Қ. Сравнительная характеристика реакции лимфатической системе тонкой кишки после различных видов резекции желудка в эксперименте. «Хист» Всеукраинский медицинский журнал молодых ученых. 2010 вып. 8., 144
5. Чартақов Қ.Ч. и др. Влияние резекции желудка на лимфатическую систему кишечника. Журнал: Теоретической и клинической медицины. Ташкент, 2019 № 5

АНТИГЕННОЕ СХОДСТВО E.COLI, ВЫДЕЛЕННЫХ ОТ МАТЕРЕЙ И ИХ ДЕТЕЙ**М. И. Юсупов, Х. Ш. Шайкулов, Г. М. Одилова**

Самаркандский Государственный медицинский институт, Самарканд, Узбекистан

Ключевые слова: стафилококки, цефалоспорин, кишечные расстройства, детей грудного возраста, дисфункция, фуразолидон, копрограмма, токсикоза у больных.

Таянч сўзлар: стафилококк, цефалоспорин, ичак касалликлари, курак ёшидаги чакалоқлар, фуразолидон, копрограмма, беморларда токсикоз.

Key words: staphylococci, cephalosporin, intestinal disorders, infants, dysfunction, furazolidone, coprogram, toxicosis in patients.

